

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ



«Битирув малакавий ишларни тайёрлаш бўйича»

МЕТОДИК ҚЎЛЛАНМА
2-китоб

Тошкент-2010

«Битирув малакавий ишларини тайёрлаш бўйича»

МЕТОДИК ҚЎЛЛАНМА

5140900 – Касб таълими йўналишлари бакалаврлари учун мўлжалланган

Битирув малакавий ишларни тайёрлаш бўйича методик қўлланма 5140900 – Касб таълими йўналишлари бакалаврлари учун мўлжалланган. 2-китоб. - Т.: ТТЕСИ, 2010, - 64 б.

Мазкур методик қўлланмада битирув малакавий ишларни тайёрлаш тартиби, унинг бажарилиш мазмуни ва унга тегишли материаллар баён этилади. Методик қўлланмадан аспирантлар, магистрлар, методистлар, ўқитувчилар ва малака ошириш ва қайта тайёрлаш курслари тингловчилари ўз фаолиятларида фойдаланишлари мумкин.

Муаллифлар: т.ф.д., проф. *С.Ш.Таипулатов*,
психол ф.н., доц. *М.С.Салаева*,
п.ф.д, проф. *Қ.Т.Олимов*,
т.ф.д., доц. *М.Қ.Расулова*,
магистрант *З.К.Ҳақназарова*

Тақризчилар: п.ф.н, доц. *Қ.М.Абдуллаева*,
п.ф.н, доц. *Х.Абдукаримов*,
п.ф.н, доц. *А.Х.Ғаффаров*,
КХК ўқитувчиси *Ш.Болтаходжаева*

Масъул муҳаррир: п.ф.д, проф. *Н.А.Муслимов*

Методик қўлланма Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институт Илмий-услубий кенгашида чоп этишга тавсия этилган. Баённома № 4, 12.03.2010 йил.

1. Битирув малакавий ишни бажаришнинг мақсад ва вазифалари

Битирув малакавий ишни бажариш – олий таълим муассасалари бакалавриат таълимининг якуний босқичидир. Замонавий таълим шароитида ўқувчиларнинг қобилияти, онг ва кўникмаларини ўстириш, илмий–амалий билимларини чуқурлаштириш ва фаоллаштириш муаммоси муҳим аҳамиятга эга. Бу хусусиятлар келажакда ўқувчилар қобилиятини ва қизиқишига онгли равишда ўз касбларига қизиқиш ва масъулиятни ошишига ёрдам беради.

Битирув малакавий ишни бажаришдан мақсад касб–хунар коллежларида махсус фанларни ўқитиш ва ишлаб чиқариш таълимини ташкил этиш ва ўтказиш, баҳолаш методикасини ишлаб чиқиш, ўқувчилар мустақил ишларини ташкил этиш бўйича бакалавриат талабаларида билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборат. Шунингдек, бўлажак ўқитувчиларда мустақил изланиш ва ижодий ишлаш қобилиятларини ривожлантиришдир.

Битирув малакавий ишни бажаришдан мақсад: таълим йўналиши бўйича назарий ва амалий билимларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, олинган билимларни таълим жараёнида илмий, техникавий, ишлаб чиқариш, иқтисодий ижтимоий, маданий вазифаларни ҳал этишда қўллаш; ижодий ишлаш, муаммо ёки масаланинг (муаммонинг) ўқитилиш жараёнидан бошлаб, уни тўла ниҳоясига етказиш бўйича қарор қабул қилишда бўлган масъулиятни ҳис этишга ўргатиш; замонавий таълим, ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, техника ва маданиятнинг ривожланиш шароитида талабаларни мустақил ишлаш ва қарор қабул қилиш ҳамда ижодий ёндашувга тайёргарлигини таъминлаш.

Битирув малакавий ишидан қуйидаги таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи функциялар амалга оширилиши керак.

Таълимий: талабаларда ўрта махсус ва касб–хунар таълими муассасаларида ўқитиш жараёнини ва ишлаб чиқариш таълимини ташкил этиш, ўтказиш ва баҳолаш бўйича билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш.

Тарбиявий: талабаларнинг яқка тартибда, мустақил, кичик гуруҳларда ва жамоада ишлаш қобилиятларини ривожлантириш.

Ривожлантирувчи: талабаларнинг эркин фикрлаш, мустақил ва ижодий ишлаш фаолиятларини ривожлантириш.

Битирув малакавий ишнинг асосий вазифалари:

- олинган мутахассислик ва бирор ихтисос бўйича тайёрлаш соҳасида илмий-тадқиқот ва амалий ишларда билимларни мустаҳкамлаш;
- мустақил маълумотларни излаш ва муайян муаммолар юзага келиш мақсадларида вазиятларни ўрганишга бўлган билимларни эгаллаш;
- битирув малакавий ишда қўйилган вазифаларни бажаришда тадқиқот, тажриба-синов ва лойиҳалаш методикаларини ўзлаштирганлик даражасини

намойиш этиш;

- реал шароитларда талабанинг ишга тайёргарлик даражасининг намоён бўлиши;

- танланган мавзу бўйича касбий, педагогик ва психологик категориялар, ҳодисалар ва муаммолар моҳиятини очиш;

- мавжуд материалларни тизимлаштириш, таҳлил қилиш ва қайта ишлаш;

- касб-ҳунар таълимини самарадорлигини оширишга йўналтирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ва ҳ.к.лардан иборат.

Битирув малакавий ишини бажаргандан кейин талаба қуйидаги билим, кўникма ва малакаларини эгаллаши керак:

- ўрта махсус ва касб-ҳунар таълим муассасаларида фанларни ўқитиш жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш;
- ўқув амалиётини ишлаб чиқариш таълимини ташкил этиш ва ўтказиш;
- ўқувчилар билим ва кўникмаларини баҳолаш методларини самарали қўллаш;
- ўқитиш жараёнида педагогик ва ахборот технологияларини самарали қўллаш;
- ўқитиш жараёнида фаол таълим методларини ўринли қўллаш;
- ўқувчилар мустақил ишларини ташкил этиш, ўтказиш ва баҳолаш;
- ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими учун ўқув услубий машғулотларини ишлаб чиқиш;
- таълим берадиган фани бўйича электрон таълим ресурслари ва услубий адабиётларини яратиш.

2. Битирув малакавий ишлар мавзуларини танлаш ва тасдиқлаш тартиби

Умумий талаблар

Битирув малакавий иш талабанинг олий таълим муассасасидаги барча таълим олиш давларида эгаллаган назарий билимларини тизимлаштириш, тадқиқот, тажриба-синов ва лойиҳалаш методикаларини амалиётда қўллай олиш кўникмасини назорат қилиш, шунингдек, битирувчи талабанинг замонавий касб-ҳунар таълими соҳасида касбий мажбуриятларни мутахассис сифатида бажаришга тайёргарлик даражасини аниқлаш мақсадида амалга оширилади.

Битирув малакавий иш:

- илмий тадқиқотнинг дастлабки маълумотларини тизимлаштирилган ҳолда сақлаши;

- танланган мавзу бўйича тадқиқотнинг бажарилиш йўллари ва натижаларини ифодалаши;

- олинган мутахассислик ва бирор ихтисос бўйича тайёрлаш соҳасида мустақил илмий-тадқиқот ва амалий ишларни ўз ичига олиши;

- янги далиллар ва ҳодисалар ёки замонавий илмий нуқтаи назарлар билан аввалдан маълум бўлган шартлар умумлаштирилган маълумотларни ўз ичига олиши;

- мунозарали ва баҳсга сабаб бўлган характердаги метериалларни қамраб олиши лозим.

Битирув малакавий ишни бажариш жараёнида талаба турли маълумотлар берадиган ёрдамчи адабиётлар, давлат таълим стандартлари, технологик кўрсатма ва меъёрий ҳужжатлардан фойдаланишни ўрганиши, мустақил равишда ҳисоб-китоб ва лойиҳалаш ишларини бажара олиши ва андозалар ишлаб чиқа олиши, фан ва техниканинг илғор ютуқларини назарда тутиб кийим тайёрлашнинг энг самарадор усуллари, янги асбоб-ускуна ва жиҳозларни танлаши ҳамда технологик жараёни лойиҳалай олиши лозим. Шу билан бирга ўрта махсус таълими тизими, соҳа бўйича касб-ҳунар коллежлари ўқув дастурлари ва ўқув режалари билан таниш бўлиши, мутахассислик фанларини ўқитиш услубияти, педагогика ва психология фанлари, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини чуқур билиши ҳамда бу билимларини амалда қўллай оладиган бўлиши керак.

Битирув малакавий иш талабанинг:

- турли хил нуқтаи назарларни ҳисобга олган ҳолда касбий-педагогик масалаларнинг кўпроқ мақбул вариантларини танлаши ва мантикий фикрлаши;

- мавзунини аниқ ифодалаши ва унинг долзарблик даражасини баҳолаши;

- қўйилган вазифаларни ечишда танланган методларни асослаши;

- манбалар, адабиётлар ва бошқа луғавий-ахборот материаллари билан мустақил ишлаши;

- уларни назарий таҳлил қилиши;

- зарур далиллар, рақамли маълумотларни танлаши, уларни таҳлил қилиши ва шарҳлаши, шунингдек, уларни жадвал ёки бошқа иллюстратив шаклларда намоиш этиши;

- асосланган хулосалар чиқариши, ишнинг илмий натижаларини ифодалаши ва амалий тавсиялар бериши;

- ўз фикрларини хатосиз, адабий тилда баён этиши, ишни тўғри расмийлаштириши;

- олинган натижалар тақдимотини замонавий ахборот-коммуникацион технологияларни қўллаган ҳолда ўтказиши каби маҳорати тўғрисида далолат бериши лозим.

3. Битирув малакавий ишнинг таркиби ва мазмуни

Битирув малакавий ишнинг **кириш** қисмида малакавий ишнинг долзарблиги асосланади, амалий аҳамияти, илмий янгилик ёки муаммолик томонлари акс эттирилади, тадқиқот предмети малакавий ишда кўриб чиқиладиган муаммолар, ишнинг мақсад ва вазифалари белгилаб берилади.

Битирув малакавий ишда иложи борица охирги 5 йилда нашр этилган адабиётлар, илмий ишлардан ҳамда Интернет янгиликлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Битирув малакавий иш мавзуси мазмунини расмийлаштириш намунаси:

Мундарижа

Кириш.

I БОБ. Назарий маълумотлар.

1.1.

1.2.

1.3.

II БОБ. Методика.

2.1.

2.2.

2.3.

Хулоса ва тавсиялар.

Фойдаланилган адабиётлар.

Иловалар.

Битирув малакавий ишлар ҳажми қуйидаги жадвалда келтирилган.

1-жадвал

№	Булимларни номлари	Ҳажми
1	Мундарижа	1 бет
2	Кириш	7 – 10 бет
3	Асосий қисм (боб ва бўлимлар)	60 – 65 бет
4	Хулоса ва тавсиялар	1 – 2 бет
5	Фойдаланилган адабиётлар	1 – 2 бет

Фойдаланилган манба ва адабиётларнинг танқидий таҳлилини тузишда қўйилган муаммони ўрганиш учун улар нимани беришлигини аниқлаш, шунингдек, уларнинг муаллифи қандай манбаларга таянганликларига эътибор қаратиш лозим. Бунинг учун фойдаланилган манба ва адабиётларнинг танқидий таҳлили сифатида оддий келтирилган меъёрий-ҳуқуқий далолатномалар, уларнинг муалифлари ва ишларини алмаштириш мумкин эмаслигини унутмаслик лозим.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар таҳлили мавзуий ёки кўргазмали тамойил бўйича тузилиши, талабанинг (яъни, унинг ўқиган материалларига шахсий муносабати) баҳосини ўз ичига олиши, муаммонинг қайта ишланганлик даражасини кўрсатиши, тўлиқ ўрганилмаган масалаларни аниқлаши лозим. **Кириш** битирув малакавий иш умумий ҳажмининг 10-12 фоизини ташкил этиши лозим.

Битирув малакавий ишнинг *Асосий қисми* муаммоли тадқиқот ҳисобланади. Муаммоли тадқиқот ишларда талабалар чуқур илмий изланишлар

олиб бориб муайян бир муаммони илмий тарзда ечилишини ҳал этиб берадилар.

Асосий қисм бобларининг сони ва мазмуни иш турига қараб белгиланади. Касб таълими йўналишлари бўйича тайёрланадиган битирув малакавий иш икки бобдан иборат бўлиши мақсадга мувофиқдир. Одатда, биринчи бобда тадқиқот олиб борилган объект бўйича қисқача маълумот бериш билан бирга мавзунинг умумий назарий масалалари бўйича мазкур тадқиқот натижаларининг амалиётда тадбиқ этилиши мумкин бўлган муассасанинг қисқача тавсифномаси берилиши лозим.

Битирув малакавий ишнинг **асосий** қисмида тадқиқот учун танланган мавзунинг назарий жиҳатларини ёритувчи боб ва бўлимлардан ташкил топиши, тадқиқот методи ва техникаларини киритувчи мазмун, кутиладиган натижаларнинг баён этилиши, хулосаларнинг шакллантирилиши ва амалий тавсиялар берилиши лозим.

Асосий қисмни ташкил этувчи боб ва бўлимларнинг мазмуни битирув малакавий иш мавзуига тўлиқ мос келиши ва уни тўла очиб бериши даркор. Боб ва бўлимлар талабанинг қисқа, мантиқан тўғри ва далиллар келтириб тўплаган, тизимлаштирган ҳамда таҳлил қилган материалларини баён этиш қобилиятини намоён этиши лозим. Мазкур кўрсатмада боб ва параграфлар ўзаро мантиқий изчилликда берилади.

Демак, ишнинг биринчи бобида масаланинг назарий асослари ёритилиши, иккинчи бобида эса унинг методикаси ишлаб чиқилиши лозим. Яъни, талаба битирув малакавий ишнинг биринчи бобида назарий маълумотлар тўплашга ҳаракат қилиши, унинг иккинчи бобида битирув олди амалиёти давомида танишиб чиққан материаллари асосида ўқув-меъёрий ҳужжатларни таҳлил этиб ўрганиши талаб этилади. Талаба бунда ўқув режа ва фан дастурларининг ўзаро мутаносиблиги тўғрисида тўхталиб, мазкур ўқув-меъёрий ҳужжатларни ўрганиш давомида аниқланган камчиликларни батафсил баён этади.

Битирув малакавий иш касб-ҳунар коллежларида умумкасбий ва ихтисослик фанлар ўқитилишини ўрганиш тўпланган материалларни қайта ишлашни мўлжаллайди. Шу сабабли битирув малакавий ишнинг иккинчи бобида талаба махсус фанларни ўқитиш бўйича ўқув материаллари мазмунини ишлаб чиқишда ўзи учун вазифа қилиб берилган фан ёки бирор-бир мавзу доирасида ўқув материали мазмунига янги таклифлар билан ўзгартиришлар киритиши мумкин. Маълумотларни қайта ишлаш иқтисодий, ижтимоий ва психологик таҳлилни замонавий методлардан фойдаланиш билан амалга оширишни тақозо қилади. Обьектив йўналиш ва қонуниятларни аниқлаш учун барча маълумотлар ишончли бўлиши лозим.

Битирув малакавий иш якунида бугунги кунда давлат ва жамият талаблари асосида замонавий касб-ҳунар таълими учун уларнинг такомиллаштирилган вариантларини тавсия этиши лозим.

Битирув малакавий ишда таҳлил ва асослаш учун база сифатида қўлланилувчи материаллар етарли даражада тўлиқ ва ишончли бўлиши лозим.

Чунки буларга таянган ҳолда иш ҳолатини таҳлил қилиш, заҳираларини очиш ва улардан фойдаланиш йўллариини белгилаш, шунингдек, ишдаги яширин камчиликларни бартараф этиш мумкин бўлсин. Тўпланган материал ҳажми ва тавсифи қабул қилинган тадқиқот методикасининг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ.

Битирув малакавий ишнинг бажарилишида техник воситаларнинг таъминланиши у ёки бу кўрсаткичларни ҳисоблаш, вазиятларни моделлаштириш, лойиҳани расмийлаштириш, тақдимот материалларини ДАК олдида ҳимоя қилишга тайёрлаш учун махсус компьютер ва мос келувчи дастурий таъминотдан фойдаланишни талаб этади.

Хулоса ва таклифлар қисмида иш мазмуни бўйича ишлаб чиқилган хулосалар ва аниқ таклифлар, эришилган натижалар мужассамлаштирилади. Малакавий иш айрим боблардаги хулосалар ва таклифлар билан ҳам тугалланиши мумкин, аммо ундан энг муҳимлари ишнинг охирида, яъни хулоса бўлимида акс эттирилиши керак.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар талаба томонидан битирув малакавий ишни тайёрлаш ва ёзиш жараёнида қўлланилган манба ва адабиётларни ўз ичига олади ва у тадқиқот мавзуйига боғлиқ тарзда 25-30 (ва ундан кўп) номдан ташкил топади. Манбалар ҳақидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси олий таълим Давлат таълим стандартлари талабларига мос тарзда келтирилади.

Бунда битирув малакавий ишни ёзиш жараёнида қўлланилган барча қонун чиқарувчи ва меъёрий-ҳуқуқий материаллар, илмий, ўқув ва даврий нашрлар тўлиқ библиографик тавсифи (нашр жойи, нашриёт номи, чоп этилиш йили ёки нашри)ни ўз ичига олиши лозим. Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхатини тузиш жараёнида нашр қилинган ва чоп этилмаган ишлар ажратилган бўлиши керак.

Ишнинг **илова қисми**да битирув малакавий ишасосий мазмунини қўшимча тўлдирувчи ва кўرғазмали тасвирловчи барча материаллар келтирилади. Бунда, асосан чизма, жадвал, диаграмма, гистограмма, расм, сурат ва фотоҳужжатлар, шунингдек, ҳар хил турдаги матнлар, ташкилий-ҳуқуқий ҳужжатлар, маълумотномалар, эълонлар жойлаштирилади.

4. Битирув малакавий ишнинг расмийлаштирилиши

Битирув малакавий иш битта нусхада тайёрланган ва коленкор (қалин сурпли) муқовада тикилган бўлиши лозим. Битирув малакавий иш матни ўқиб чиқилган ва таҳрир этилган бўлиши даркор.

Битирув малакавий иш қўлёзма шаклида, фақат илмий бажарилган иш қўлёзма шаклда ёки компьютерда бажарилиши мумкин.

Қўлёзма шаклида тайёрланган ишнинг умумий ҳажми 70-80 бет, компьютерда тайёрланган ишнинг умумий ҳажми 60-70 бетдан иборат бўлиши керак.

Компьютерда тайёрланган битирув малакавий ишнинг қўлёзма нусхаси тугатилгач, илмий раҳбар рухсати билан компьютерда терилади. Иловалар унинг умумий ҳажмига кирмайди. Қўлёзма матнини компьютерга тушириш жараёнида кетма-кетлик бузилмаслигига жиддий эътибор бериш керак.

Битирув малакавий иш *A4* форматдаги қоғознинг бир томонига расмийлаштирилиши шарт. Жадвал ва кўргазмали материаллар *A3 - A1* форматлардаги қоғозда тақдим этишга ижозат этилади. Матн 1,5 интервалда Times New Roman Сут № 14 шрифтда бажариш мақсадга мувофиқдир. Малакавий иш *A4* шаклидаги қоғознинг чап томонидан 2,5 см, ўнгдан 1,5 см, юқори ва пастдан 2 см дан кам бўлмаган ҳошия қолдирилган ҳолда терилиши талаб этилади. Техник чизмалар катта ва кичик бурчак штамплари билан расмийлаштирилади.

Дастлабки ҳимояда талаба битирув малакавий ишни тўлиқ (бирок муқоваланиши шарт эмас) варианты ҳамда ўзининг илмий-изланиш ва амалий фаолиятининг кўргазмали натижалари ва маърузалари илова қилинган қўшимча материалларни тақдим этади.

Битирув малакавий ишнинг дастлабки ҳимояси ўтказилгандан сўнг ҳамда ДАК котибасининг тақризидан кейин ҳимояга 3 кун қолганда қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- 1) малакавий иш кафедра мудири, илмий раҳбар, илмий маслаҳатчилар томонидан тасдиқланган, муқоваланган нусхаси;
- 2) малакавий иш ҳамда унинг тақдимот материаллари агар компьютерда ёзилган бўлса, уларнинг электрон версияси туширилган дискета;
- 3) битирув малакавий ишга ёзилган илмий раҳбар якуний хулосаси;
- 4) иккита оппонентнинг тақризи;
- 5) малакавий ишга тааллуқли бўлган бошқа ҳужжатлар.

Тақризчиларга тақдим этиш

Битирув малакавий ишга объектив олиш мақсадида унга мувофиқ келувчи ташкилот бошқармасининг юқори илмий-амалий салоҳиятга эга бўлган мутахассисларининг тақризлари муҳимдир. Ҳар бир битирув малакавий иш бўйича кафедра йиғилиши қарорига мувофиқ тақризчи белгиланади.

Ички оппонент битирув малакавий иш бажариладиган кафедра аъзолари таркибидан белгиланади, ташқи тақризчи – олий таълим муассасаларининг бошқа кафедралари профессор-ўқитувчилари, ёки муайян битирув малакавий ишда қўтарилган муаммо бўйича етакчи илмий ва амалий фаолият олиб боровчи бошқа муассаса, ташкилот ва корхона мутахассислари таркибидан бўлиши мумкин.

Илмий раҳбардан ижобий тақриз олингандан сўнг, талаба тайёр бўлган битирув малакавий ишни бир ҳафта ичида факультет декани томонидан давлат аттестацияси учун белгиланган иккита оппонентнинг ҳар бирига тақриз олиш учун тақдим этиши лозим.

Такризда талаба томонидан танланган мавзунинг долзарблигига баҳо берилиши, унда қўйилган мақсад ва ифодаланган вазифаларга битирув малакавий иш мазмунининг мослиги, унинг асосий қийматини белгиловчи, амалий аҳамияти ва олинган натижаларнинг илмий асосланганлиги, шунингдек, ишда йул қўйилган асосий камчилик берилган бўлиши лозим. Битирув малакавий ишнинг касбий тайёргарлик даражасини якуний баҳолаш унинг меъёрий ҳужжат талабларига мослиги ва оппонентнинг ҳимоя қилишга рухсати ҳақидаги хулосаси ҳисобланади. Такризчи битирув малакавий ишнинг мазмуни ва расмийлаштирилиши бўйича талаба меҳнати натижаларига нафақат сифат, балки миқдор (балларда) баҳо бериши зарур.

5. Битирув малакавий ишни баҳолаш мезонлари

Битирув малакавий ишни асосий баҳолаш мезонлари қуйидагилардан иборат:

- мавзунинг долзарблиги ва янгилиги, уни ишлаб чиқишнинг мураккаблиги;
- кўрилаётган масала бўйича маҳаллий ва хорижий манба ва махсус адабиётлардан тўла фойланилганлиги;
- тадқиқот объекти бўйича далилий маълумотларни тўлиқ ва сифатли тўпланганлиги;
- қўйилган масалани ҳал қилишда метод ва воситалардан фойдаланишнинг тасдиқланганлиги;
- олинган натижаларни таҳлил қилиб, шарҳлай олинганлиги;
- хулоса, таклиф, тавсияларнинг илмий, услубий ва амалий аҳамияти ҳамда уларни исботланганлик даражаси ва реал тадбиқ этиш имкониятлари;
- материални аниқ ва тўғри, хатосиз баён этилганлиги, ишни сифатли расмийлаштирилганлиги, мазкур «Методик қўлланма» талаблари ҳисобга олинганлиги;
- битирув малакавий ишнинг назарий ва амалий масалалар бўйича мунозара юрита олинганлиги, ДАК аъзоларининг саволлари ва тақризчилар камчиликларига берилган жавобларнинг тўғри ва чуқур ифодаланганлиги.

Агар иш мавзуи илмий асосланиб, ўзида назарий, услубий ёки амалий қизиқишни уйғота олса, қўйилган масалани ҳал қилишда муаллиф томонидан мақбул таҳлил қилиш усуллари, замонавий метод ва воситаларни қўллаш мумкинлиги тасдиқланса, шунингдек, у касб-ҳунар таълимининг илмий-назарий, услубий ёки амалий масалаларига ёрдам берсагина, битирув малакавий иш «аъло» баҳога лойиқ деб топилади. «Аъло» баҳоланган ишнинг таркибий тузилиши аниқ, мантикан тўғри ва қўйилган мақсадга мувофиқ бўлиши лозим. Хулоса қисмда аниқ, қўйилган масалани ҳал қилишда ҳисса қўшадиган ҳар томонлама асосланган хулосалар келтирилиши лозим. Чунки бу унинг келажакдаги истиқболини белгилайди.

Битирув

малакавий ишнинг мазмуни

Бирор бир фанни ўқитишда модулли тизимнинг психологик-педагогик асосларини ишлаб чиқишда талаба дастлаб касб-хунар коллежлари ўқув дастурлари мазмунини модул тизимда шакллантиришнинг методологик асосларини ёритиши талаб этилади. Яъни, бунда модулли таълимнинг яратилиш тарихи ва унинг умумий тавсифи тўғрисида тўхталиб ўтиши лозим. Сўнгра модулли ёндашув таълим жараёнини лойиҳалаштириш сифатида, модуллар ва модулли дастурларни лойиҳалаштириш талаблари каби масалалар ҳам битирув малакавий ишнинг биринчи бобида ёритилади.

Битирув малакавий ишнинг иккинчи бобида эса белгиланган фаннинг модулли тизим асосида ўқитиш методикаси ишлаб чиқилади. Яъни, бунда фан мазмунига модулли технологияни сингдириш йўллари белгилаб, модулли ёндашув асосида ўқув машғулоти лойиҳасини ишлаб чиқади.

Бирор бир фанни модулли тизим асосида ўқитишнинг психологик-педагогик асосларини ишлаб чиқиш учун, аввало, бунда дастлаб ўқув дастурлари мазмунини модул тизимда шакллантириш тақозо этилади. Шу сабабдан бу ўринда талаба битирув олди амалиёти давомида танишиб чиққан материаллар асосида ўқув-меъёрий ҳужжатларни таҳлил этиб ўрганиши талаб қилинади. Дастлаб, у ўқув режа ва фан дастурларининг ўзаро мутаносиблигини белгилайди. Сўнгра ўрганилаётган фан касб-хунар коллежининг қайси таълими йўналиши кичик мутахассислар тайёрлов курсининг нечанчи курсида ва қайси семестрларда жами неча соат ҳажмида ўқитилиши мўлжалланганлигини аниқлайди. Белгиланган умумий соатдан неча соати аудитория машғулоти ва неча соат мустақил таълим учун ажратилганлигини таҳлил қилади. Таҳлил жараёнида мазкур ўқув-меъёрий ҳужжатларда учраган камчиликлар тўғрисида тўхталади ва фан мазмунига модулли технологияни сингдиришда давлат ва жамият талаблари асосида замонавий касб-хунар таълими учун ўзининг тавсия этмоқчи бўлган такомиллашган оптимал вариантларини тақдим этади.

Сўнгра фан мазмунини йирик модуллар асосида ажратиб чиқади. Аниқланган ҳар бир йирик модулнинг мазмуни алоҳида кичик модулларга ажратилади ва уларни ўқитиш учун белгиланган умумий соат ҳажми белгиланади. Кичик модуллар мазмуни эса, албатта, 2 соатлик ўқув машғулоти ҳажмидаги кўламда бўлиши мақсадга мувофиқдир. Кейин ҳар бир кичик модулни ўқитиш технологияси ишлаб чиқилади. Бунинг учун аввало, модулнинг ўқув мақсади белгилаб олиниб, сўнгра бутун дарс давомида кутиладиган натижа олдиндан аниқланади.

Барча модуллар муайян тузилма асосида кўрилади. Жумладан:

- 1) модул бўйича таянч саволлар тузилади;

- 2) модулнинг ўрганилиш жараёни тугаллангандан сўнг 3 хил кўринишда (**билиб олади, тушуниб етади, бажара олади** каби сўзлар орқали) шаклланадиган кутиладиган натижалар аниқлаб олинади;
- 3) модул мазмун мағзини ифодаловчи белгилар ва унинг асосий ғояларини чизма шаклда тасвирлайдиган чизма кўринишдаги топшириқлари тузилмаси тадқиқ қилинади;
- 4) топшириқлар бўйича тақдимотлар намоёйиши яратилади;
- 5) ўз-ўзини назорат қилиш учун бериладиган савол ва топшириқлар бўйича маълумотлар берувчи ва назарий материаллар тўпланади;
- 6) модулни ўқитиш жараёнида қўлланиладиган интерфаол методларнинг изчиллиги бўйича услубий қисм ишлаб чиқилади;
- 7) ўз-ўзини назорат қилиш учун тест топшириқлари тузилади;
- 8) модулда фойдаланиладиган тушунча ва атамалар луғати келтирилади;
- 9) фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.

Бирор бир мавзунини ўқитиш жараёнида инвариант тест технологиясидан фойдаланган ҳолда ижодий ўзлаштиришни таъминлашда талаба касб-ҳунар таълимини инвариант тест технологиясидан фойдаланган ҳолда ижодий ўзлаштиришни таъминлаш педагогик муаммо эканлигини тадқиқ қилади. Касб-ҳунар таълимида ижодий ўзлаштиришни шакллантиришда тест технологияларининг аҳамиятини очиб, махсус фанлар доирасида тузиладиган тестларнинг ўзига хос жиҳатларини аниқлайди. Ушбу тўпланган материаллар битирув малакавий ишнинг биринчи бобини ташкил этади.

Битирув малакавий ишнинг иккинчи бобида эса белгиланган мавзунини ўқитиш жараёнида инвариант тест технологиясидан фойдаланиш мазмуни ва йўллари ёритиб беради ва шу мавзунини ўқитиш жараёнида ижодий ўзлаштиришни таъминловчи инвариант тест технологиясидан фойдаланган ҳолда ўқув машғулотлари лойиҳасини ишлаб чиқади.

Касб-ҳунар коллежларида ўқув мақсадлари муайян таълим жараёни якунида таълим олувчи томонидан ўзлаштирилиши, янги ҳосил қилиниши лозим бўлган билим хатти-ҳаракат билан боғлиқ бўлган амалий топшириқни уддалай олиш маҳорати, шахсий фазилатлар ва хулқни белгилайди. Шу сабабдан мавзунини ўқитиш жараёнида аввало ўқув мақсадлари тўғри белгиланиши муҳим аҳамиятга эга.

Мавзу юзасидан ўқув мақсадларнинг мазмуни йўналтирувчи мақсадлардан келиб чиқиб белгиланади. Мавзу юзасидан ўқув мақсадлари йўналтирувчи мақсадларни аниқлаштиради. Шунингдек, ҳар бир мавзунинг ўқув мақсадлари таълим олувчи эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малака ҳақида умумий тасаввурни беради. Касб-ҳунар таълимида бирор бир мавзунини ўқитишда ўқувчиларни ижодий ўзлаштиришини ҳар бир усули ўзини тарбиялаш турлари ва қисмларига муайян тарзда таъсир кўрсатади. Ўқувчиларда инвариант тест топшириқларидан фойдаланган ҳолда ижодий ўзлаштиришни таъминлаш кўпроқ ўзини тарбиялашнинг режа ва мазмуни, ўз-ўзига муносабат, унинг

моҳияти ва мотивлари, ўз-ўзини ҳис қилиш ва ўз-ўзига таъсир кўрсатиш, ўзини бошқариш маданиятини белгилайди.

Демак, ўқув жараёнида ижодий ўзлаштиришни таъминлаш орқали таълим сифати ва самарадорлиги оширилади. Ўз устида ишлашни таҳлил қилиш ижодий ўзлаштиришни тўла билишга олиб келади. Ўзига муносабатнинг барча турлари пировард натижада ўзига талабчанликда намоён бўлади.

Касб-хунар коллежи ўқувчиларида ўзининг келажаги, эҳтиёж, қизиқишлари тўғрисидаги тасаввур ривожланса, ижодий ўзлаштириш ҳам муваффақиятли шаклланади, камол топади. Ўқувчининг бугунги кундаги ҳамда келажакдаги «Мен»ини мунтазам қиёслаб бориши ўзига фан дастури мазмуни ва моҳиятини ўзлаштириш кўникмасини шакллантиради. Касб-хунар коллежларида ўқувчиларда ижодий ўзлаштиришни шакллантириш икки ҳодиса билан боғланган: 1) ўқув жараёни мунтазам равишда қизиқарли ташкил этилиши; 2) педагогларга муносабатини ўзгартириш учун яхшироқ билиш заруратини тушуниб етиши.

Таълим жараёнида инвариант тест топшириқларидан фойдаланиб дарс ўтилса, ўқувчининг интеллекти ўзаро боғланиши ва бу жараёнда у илмий билимнинг объектив зидликлари ва уларнинг ечимларига яқинлашиш самарадорлиги ортади. Ўқувчи мустақил фикрлаш, билимларни ижодий ўзлаштиришга ўрганади.

Мавзу юзасидан тузиладиган ишчи дастурда ўқувчининг умумий ривожланиши ва касбий маҳоратини ўстиришга хизмат қилиши керак бўладиган мавзулар модули белгилаб чиқилади. Ишчи дастур ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий ишларини ташкил қилиш таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи аҳамиятга ҳам эга бўлиши керак.

Бирор бир мавзунинг ўқитиш жараёнида инвариант тест технологиясидан фойдаланган ҳолда ижодий ўзлаштиришни таъминлаш учун, аввало, бунда дастлаб ўқув-меъёрий ҳужжатлар мазмуни ва уларни ўқув жараёнига татбиғини ўрганиш тақозо этилади. Шу сабабдан, бу ўринда талаба битирув олди амалиёти давомида танишиб чиққан материаллари асосида ўқув-меъёрий ҳужжатларни таҳлил этиши талаб қилинади. Бунда, у дастлаб фан дастури мазмунини ўрганиб, ундаги мавзуларнинг ўзаро мутаносиблигини белгилайди. Сўнгра ўрганилаётган фан касб-хунар коллежининг қайси таълим йўналиши кичик мутахассислар тайёрлов курсининг нечанчи курсида ва қайси семестрларда жами неча соат ҳажмида ўқитилиши мўлжалланганлигини аниқлайди. Белгиланган умумий соатдан неча соати аудитория машғулотларига ва неча соат мустақил таълим учун ажратилганлигини таҳлил қилади. Таҳлил жараёнида мазкур ўқув-меъёрий ҳужжатларда учраган камчиликлар тўғрисида тўхталади ва мавзунинг ўқитиш жараёнида инвариант тест технологиясидан фойдаланган ҳолда ижодий ўзлаштиришни таъминлашда давлат ва жамият талаблари асосида замонавий касб-хунар таълими учун ўзининг тавсия этмокчи бўлган такомиллашган оптимал вариантларини тақдим этади.

Бунда мавзу бўйича 2 соатлик ўқув машғулотида технологик харита, маъруза матни, ноанъанавий шаклдаги дарс ишланмаси, тестлар, тестлардан фойдаланишнинг мазмуни, йўллари, педагогик-психологик шарт-шароитлари ҳамда интерфаол методларни қўллашда тестлардан фойдаланиш жараёни, тест асосида ўзлаштирган ўқувчилар билимини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Дарснинг технологик харитаси ҳар бир мавзу, ҳар бир дарс учун ўқитилаётган предмет, фаннинг хусусиятидан, ўқувчиларнинг имконияти ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда тузилади.

Маълумки, тестлар мазмунига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

- **психологик тестлар** (шахснинг психофизиологик ва шахсий хусусиятларини аниқлайди);
- **касб-кор тестлари** (шахснинг шу касбга лаёқати, яроқли ёки яроқсиз эканлигини аниқлайди);
- **педагогик тестлар** (шахснинг билим, кўникма, малака ва касб-ҳунарга тайёргарлик даражасини аниқлашга мўлжалланган бўлади).

Демак, бу ўринда педагогик тестлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Мазкур мавзу бўйича топшириқларнинг шакли ва мазмунига қараб қўлланиладиган **мантиқий ва назарий** тестлар ҳам ишлаб чиқиш мумкин.

Шунингдек, тузилишига кўра **оддий** (бир шаклдаги топшириқлардан иборат тестлар), **мураккаб** (бир неча топшириқлардан иборат тестлар), қўлланилиш даврийлигига кўра **кундалик, даврий ва якуний** тестлар, синов хусусияти бўйича **индивидуал, муайян гуруҳга мўлжалланган** тестлар, вазифасига кўра **билимни аниқлайдиган, малака ва кўникмаларни аниқлайдиган** тестлар, бажарилиш усулига кўра **оғзаки, ёзма ва ЭҲМда бажариладиган** тестлар, тузилиш моҳиятига кўра **стандартлаштирилган ва ностандарт** тестлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий иш мазмунида ўқув машғулотларидан ташқари мустақил ишлар ҳамда назорат ишлари учун алоҳида таълимий тестларни келтириш мумкин. Таълимий тестлар тегишли материаллар ўрганилаётган вақтда ёки маълум бир мавзунини такрорлаш мақсадида берилиши тавсия этилади.

Ўқувчини мустақил дарс тайёрлаш, ўтилаётган мавзуларни мунтазам, пухта ўзлаштириб бориш, таълим жараёнига ижодий ёндашишга ундаб, ўқувчидан иқтидор кўрсаткичларини юзага чиқариш ва такомилланишига сабабчи бўлади. Таълимий тестнинг асосий мақсади қонуниятлар, тушунчалар ва мавзуларни қандай ўзлаштираётганини ўз вақтида баҳолашдир. Дарс жараёнида таълимий тестлардан фойдаланиш ижобий самара бериши кузатилади.


Назорат ишлари учун тестлар маълум бир бўлимига тегишли мавзулар ўтилгандан кейин ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини вақти-вақти билан текшириб туриш учун берилади (семестр давомида ёки ҳар семестр охирида)

ёки бутун курсни ўз ичига олиб, ўқув материаллари такрорлангандан кейин, уларнинг қанчалик ўзлаштирилганлигини текшириш учун ўқувчиларга (курсдан-курсга кўчириш ёки битириш имтиҳонлари ўрнига ўтказиладиган тестлар) берилиши мумкин.

Дастлаб мавзу юзасидан қўйилган мақсадга мувофиқ тестлар танлаб олинади. Сўнгра шу мавзу асосида тест мезонлари яратилади. Тест жараёнини амалга ошириш технологияси ишлаб чиқилади ҳамда тест натижалари таҳлил этилади.

Бирор бир фандан ўқув-услубий комплексни шакллантиришда талаба дастлаб ўқув-услубий материаллар (ўқув-услубий комплекс) тўғрисида назарий маълумотларни тўплаши лозим. Шунингдек, бунда асосан касб-хунар таълимида замонавий ўқув-услубий комплекс таркиби ва уларнинг мазмуни ҳамда касб-хунар таълимида ўқув жараёнига ўқув-услубий материалларини фаол татбиқ этиш имкониятларини аниқлаши талаб этилади. Ушбу тўпланган материаллар битирув малакавий ишнинг биринчи бобини ташкил этади.

1-расм



Сўнгра талаба битирув малакавий ишнинг иккинчи бобини ташкил этувчи материалларни устида ишлайди. Бунда ўзи учун берилган фан бўйича ўқув-услубий комплекс лойиҳасини ишлаб чиқади. Бунинг учун битирув олди амалиёти давомида тўплаган материаллари асосида ўқув-меъёрий хужжатлар билан танишиб, уларни таҳлил этиши лозим. Яъни, ўқув режа ва фан дастури ўзаро мутаносиблиги, фан дастурининг мазмуни тўғрисида тўхталади. Мазкур ўқув-меъёрий хужжатларни ўрганиш давомида аниқланган камчиликларни батафсил баён этиб, бугунги кунда давлат ва жамият талаблари асосида уларни такомиллаштириш йўллари аниқлайди ҳамда ўзи тавсия этмокчи бўлган замонавий касб-хунар таълими учун оптимал вариантларни тақдим этади.

Шунингдек, **бирор бир мавзунинг ўқитишда ахборотни интерфаол узатиш имкониятларидан фойдаланиш**да талаба дастлаб касб-хунар коллежларида ўқув материаллари мазмунини узатишда ахборотни интерфаол имкониятлари бўйича назарий маълумотлар тўплайди. Жумладан, бунда касб-хунар таълимида ахборотни интерфаол узатиш имкониятларидан фойдаланиш муаммоларини аниқлаб, касб-хунар таълимида ўқув материаллари мазмунини тақдим этишда ахборотнинг интерфаол узатиш имкониятларини очиқ беради. Ушбу маълумотлар ишнинг биринчи бобида педагогик муаммо сифатида тақдим этилади. Иккинчи бобда ўзи учун белгиланган мавзу бўйича ахборотни интерфаол узатиш имкониятларидан фойдаланиб ўқитиш методикасини яратади. Яъни, бунда мавзунинг ўқитиш жараёнида замонавий педагогик технологияларни татбиқ этиш мазмуни ва йўллари аниқлаб, ўқув машғулоти лойиҳасини ишлаб чиқади.

1. Ўқитишда ахборотни интерфаол узатиш усуллари танланади (презентация, анимация, видеоролик, махсус дастурлар асосида яратилган ўқитиш дастурлари ва ҳ.к.).
2. Танланган мавзунинг ўқитиш учун шу мавзунинг мазмуни олдиндан шакллантирилади.
3. Танланган ахборотни интерфаол узатиш усулининг ишланмаси ёки дастури тайёрланади ва педагогик-психологик ўзлаштириш мезонларидан келиб чиққан ҳолда ахборотни интерфаол узатиш усулининг ишланмаси ёки дастурининг дизайни мос равишда ташкил этилади. Бунда MS office Power Point, Macromedia Flash, Macromedia Dreamweaver, Camtasia studio, 3DSMax, Delphi, C++ дастурлари, HTML тили ва WEB-сайтларни яратиш учун керакли бўладиган атрибутлар ҳамда график муҳаррирлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.
4. Тайёрланган ахборотни интерфаол узатиш усулининг ишланмаси ёки дастурининг таркибига мавзу мазмуни сингдирилади.

Бирор бир мавзунинг ўқитиш жараёнида педагогик технологияга асосланган ҳолда ўқув машғулоти лойиҳасини ишлаб чиқишда талаба касб-хунар коллежларида ўқув жараёнини педагогик технология асосида лойиҳалаштириш педагогик муаммо эканлигини аниқлайди. Шунингдек, бити-

рув малакавий ишнинг биринчи бобида касб-хунар таълимида ўқув жараёнини лойиҳалаш технологиясининг умумий моҳиятини очиб, касб-хунар коллежларида ўқув жараёнини лойиҳалаш босқичларини белгилаб беради.

Битирув малакавий ишнинг иккинчи бобида эса ўзи учун белгиланган мавзуни педагогик технологияга асосланган ҳолда ўқитиш методикасини ишлаб чиқади. Яъни, бунда мавзуни ўқитиш жараёнида замонавий педагогик технологияларни татбиқ этиш мазмуни ва йўллариини белгилаб, ўқув машғулотлари лойиҳасини яратади.

1-босқич. Ўқув жараёнини лойиҳалашнинг дастлабки босқичида фан мазмунидаги мавзулар ёки фаолият мазмунига доир манбаларни ўрганиш, чунончи, материалларни йиғиш ва уларнинг моҳияти билан танишиб чиқиш, уларда илгари сурилган ғояларни умумлаштириш, туркумлаштириш ҳамда яхлитлаш кўзда тутилади. Ўқув предметининг мавзуси ёки фаолият мазмунига доир манбалар моҳиятини ўрганиб чиқиш ўқитувчи учун ўқувчилар эътиборига тақдим этилаётган мавзу ёки фаолият мазмуни хусусида уларга батафсил, мукаммал маълумотларни бера олиш, таълимнинг умумий жараёнини тасаввур этиш имконини беради.

2-босқич. Иккинчи босқич фан мазмунидаги мавзуси юзасидан ягона, умумий мақсадни аниқ белгилаш, умумий мақсад доирасида кичик бўлим ва бандлар буйича ҳал этилувчи хусусий мақсадларни ҳам белгилаш, таълим мақсадига эришиш йўлида ижобий ҳал этиб борилиши лозим бўлган вазифаларни ишлаб чиқишга йўналтирилади. Ўқув мақсади ва вазифаларининг аниқ, пухта белгилаб олинishi ўқитувчи, шунингдек, ўқувчилар фаолиятини муайян йўналишга солиш, ўқув мақсадига эришишда вақтдан унумли фойдаланиш, ўқув жараёнида юзага келиши мумкин бўлган дидактик ва тарбиявий муаммоларнинг олдини олиш, мавжуд шарт-шароитлардан оқилона фойдаланишга замин ҳозирлайди.

3-босқич. Ўқув жараёнини лойиҳалашнинг учинчи босқичида ўқув мақсади ва вазифаларига таянилган ҳолда фан мазмунидаги мавзуи бўйича ўқув жараёнининг мазмунини ишлаб чиқишдан иборатдир. Ўқув жараёни ўқув материали мазмунини ёритишга хизмат қилувчи муайян мавзу (фаолият мазмуни) бўйича назарий ва амалий билимлар мажмуини ифода этиш имконини беради. Таълим мазмунида, шунингдек, ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган тушунча, кўникма ҳамда малакаларнинг ҳажми ҳам ўз ифодасини топа олиш лозим.

4-босқич. Ўқув жараёнини лойиҳалашнинг энг муҳим босқичи саналган тўртинчи босқичда фан мазмунидаги мавзуи бўйича ўқув машғулотининг шакли, метод ва воситаларини танлаш каби ҳаракатлар амалга оширилади.

Муайян машғулот учун энг мақбул деб топилган шакл, метод ва воситаларнинг белгиланиши ўқув жараёнининг қарийб 90 фоизлик муваффақиятини кафолайди.

Шунингдек, замонавий педагогик технологияларнинг асосий моҳияти айнан мана шу босқичда очиб берилади. Ўқувчиларни ижодий изланиш, фаол-

лик, эркин фикр юритишга йўналтирувчи таълим шакли, метод ва воситаларнинг тўғри танланиши машғулотларининг қизиқарли, баҳс-мунозараларга бой ижодий тортишувларнинг юзага келишига туртки беради. Мана шу ҳолатдагина ўқувчилар ташаббусни ўз кўлларига оладилар, ўқитувчининг зиммасида эса уларнинг фаолиятини маълум йўналишга солиб юбориш, умумий фаолиятни бериш ҳамда улар фаолиятини баҳолаш каби вазифалар қолади.

5-босқич. Навбатда бешинчи босқичда ўқувчилар томонидан билим, кўникма ва малакаларнинг ўзлаштирилиши учун етарли дея белгиланган вақт ҳажми, яъни, фан мазмунидаги муайян мавзу (фаолият мазмуни) юзасидан маълум тушунча, кўникма ва малакаларнинг ўқувчилар томонидан қанча вақт оралиғида ўзлаштирилиши мумкинлиги аниқланади.

6-босқич. Олтинчи босқичда мавзуи бўйича машқ ва топшириқлар тизими ишлаб чиқилади. Мазкур босқичда ишлаб чиқилган машқлар тизимини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мақсадга мувофиқдир:

а) машғулот жараёнида ўқувчилар томонидан ечилиши лозим бўлган машқлар;


б) дарсдан ташқари шароитларда бажарилиши кўзда тутилган машқлар (уй вазифалари).

Ўқувчилар эътиборига ҳавола этилаётган машқлар бир-бирини тўлдириши, ўзаро алоқадорлик, боғлиқлик ва энг муҳими эволюцион хусусият касб эта олиши лозим.

7-босқич. Ўқув жараёнини лойиҳалаштиришнинг еттинчи босқичида мавзуи мазмуни бўйича ўқувчиларнинг умумий фаолиятларини назорат қилиш ва тест тизимини ишлаб чиқиш каби вазифалар амалга оширилади. Назарий ва амалий жиҳатдан тўғри бўлган тест тизимининг ишлаб чиқилиши ўқувчиларнинг мавзу (фаолият мазмуни) юзасидан ишлаб чиқилиши муайян тушунчаларни ўзлаштириш, шунингдек, амалий кўникма ва малакаларни шакллантира олганлик даражаларини аниқ ва холис аниқлай олиш имконини беради. Тест тизимини ишлаб чиқишда тестларнинг изчил, узвий ҳамда бир-бири билан уйғун бўлишларига аҳамият бериш мақсадга мувофиқдир.

8-босқич. Ўқув жараёнини лойиҳалашнинг сўнгги босқичида яратилган фан мазмунидаги мавзуи бўйича ўқув машғулоти лойиҳасининг таълим жараёнига татбиқ этилиши, ўқув жараёнининг якуний даражаси (самарадорлиги)ни ўрганиш билан ниҳояланади. Мазкур босқичда ўқув жараёнининг умумий аҳволи, эришилган ютуқ ҳамда йўл қўйилган камчиликлар, уларнинг юзага келиш сабаблари таҳлил этилади, навбатдаги машғулотлар жараёнида содир бўлган камчиликларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланади.

Ўқув жараёнини лойиҳалаш босқичлари




*Бирор бир мавзунини ўқитиш жараёнида ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланиш*да талаба дастлаб касб-хунар коллежлари ўқув жараёнида ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланиш педагогик муаммо эканлигини аниқлайди. Шунингдек, битирув малакавий ишнинг биринчи бобида касб-хунар коллежлари ўқув жараёнига замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг дидактик асосларини тадқиқ қилиши ҳамда махсус фанларни ўқитишда кўмакчи компьютерли дастурлар мазмунини ёритиши лозим.

Сўнгра битирув малакавий ишнинг иккинчи бобида ўзи учун белгиланган мавзунини ахборот коммуникацион технологиялар асосида ўқитиш методикасини ишлаб чиқиши тақозо этилади. Бунда асосан, касб-хунар таълимида белгиланган мавзунини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот технологияларни татбиқ этиш мазмуни ва йўллари белгилаб берилади ҳамда шу асосда ўқув машғулотлари лойиҳаси ишлаб чиқилади.

ЎҚУВ МАШҒУЛОТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШНИНГ МАНТИҚИЙ ТУЗИЛМАСИ

(80 МИНУТ)



Бирор бир мавзуни ўқитиш методикасини ишлаб чиқишда талаба дастлаб касб-хунар коллежларида ўқув жараёнини технологиялаштириш педагогик муаммо эканлигини аниқлайди. Шунингдек, битирув малакавий ишнинг биринчи бобида касб-хунар таълимида ўқув жараёнини технологиялаштириш муаммоларини ўрганиши ҳамда ўқув жараёнига педагогик технологияларни фаол татбиқ этиш имкониятларини ёритиши лозим.

Битирув малакавий ишнинг иккинчи бобида эса ўзи учун белгиланган мавзуни педагогик технологиялар асосида ўқитиш методикасини ишлаб чиқиши тақозо этилади. Яъни, бунда мавзуни ўқитиш жараёнида замонавий педагогик технологияларни татбиқ этиш мазмуни ва йўллари белгилаб, ўқув машғулоти лойиҳасини яратади.

Ўқув машғулоти лойиҳасини ишлаб чиқишда ўқув предметининг мавзуси (фаолият мазмуни) юзасидан ягона, умумий мақсад, умумий мақсад доирасида кичик бўлим (банд)лар бўйича ҳал этилувчи хусусий мақсадлар белгиланади. Сўнгра шу асосда ўқув жараёни мазмунини ишлаб чиқилиб, машғулоти шакли, унда қўлланиш мумкин бўлган методлар, восита ва усуллари танлаш талаб этилади. Шунингдек, бу жараёнда ўқув машғулоти учун ажратилган вақт ҳажмидан тўғри ва унумли фойдаланиш дарс самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Битирув малакавий иш мазмунида ўқув машғулоти лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида ўқув-дидактик материаллар яратишга киришади. Бунда асосан мавзу юзасидан турли хил муаммоли вазиятлар, ижодий ва ўйинли топшириқлар, анкета сўровномалари, тестлар, топшириқлар ва назорат саволлари, қизиқарли савол ва масалалар, саволнома ва йўриқномалар, лойиҳалар, йўналтирувчи саволлар, тарқатма материаллар ва карточкалар, кроссвордлар, сканвордлар, чайнвордлар, амалий ишни ташкил этиш бўйича технологик хариталар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Бирор бир мавзуни Блум таксономияси асосида ўзлаштириш даражасларини таъминлашни ишлаб чиқишда ўқув машғулоти мазмунини шакллантиришда унинг асосий мақсад ва вазифалари олдиндан белгилаб олиниши мақсадга мувофиқдир. Танланган ўқув машғулоти учун аввал умумий, сўнгра эса хусусий мақсадлар белгилаб олинади. Бу жараён Блум таксономияси жадвали ёрдамида амалга оширилади. Б.Блум таксономиясини қўллаб, умумий ва хусусий ўқув мақсадларини шакллантириш мумкин.

Машғулоти материалларини дидактик таҳлил қилганда унинг ҳар бир босқичини шакллантиришда кутиладиган натижа сифатида Б.Блум таксономиясида келтирилган феълларни танлаб, шу машғулоти мазмунини шакллантиришда унга сингдирилиши лозим. Белгиланган ўқув мақсадларини шакллантириш даражасини текшириш баҳолашнинг вазифаларини аниқ ажратиш орқали ташкил этилади.

**Б.Блум таксономияси бўйича ўқув мақсадлари категориясига
мос келадиган феъллар рўйхати**

Билиш	Эсга тушириш	Тасвирлаш
	Эслаб қолиш	Фарқлаш
	Ахборот бериш	Танлаб олиш
	Айтиш	Айтиб бериш
	Ёзиш	Такрорлаш
Тушуниш	Далиллаш	Кўчириш
	Англаш	Қайта ишлаш
	Аниқлаштириш	Намойиш этиш
	Белгилаш	Изоҳлаш
	Тушунтириш	Очиб бериш
Фойдаланиш	Тадбиқ қилиш	Аниқлаш
	Ҳисоблаб чиқиш	Амалга ошириш
	Намойиш этиш	Ҳисоблаш
	Фойдаланиш	Амалга ошириш
	Ўқитиш	Ечиш
Таҳлил қилиш	Келтириб чиқариш	Олдиндан кўриш
	Ажратиб чиқиш	Саралаш
	Туркумлаштириш	Бўлиб чиқиш
	Таснифлаш	Текшириб кўриш
	Фараз қилиш	Гуруҳлаш
Синтез	Кашф қилиш	Тизимлаш
	Умумлаштириш	Бирлаштириш
	Яхлитлаш	Барпо этиш
	Режалаштириш	Тузиш
	Ишлаб чиқиш	Лойиҳалаш
Баҳолаш	Ташҳислаш	Баҳолаш
	Аниқлаш	Текшириш
	Ўлчаш	Назорат қилиш
	Асослаш	Таққослаш
	Қўллаб-қувватлаш	Рағбатлантириш

Ўқув мақсадларини белгилаб олиш асосида машғулот мазмунини шакллантириш куйидаги босқичларни ўз ичига қамраб олади:

1. Мавжуд машғулотнинг мазмуни ва таркибий қисмлари билан танишиш ва уни дидактик таҳлил қилиш;
2. Машғулот учун умумий ўқув мақсадларини белгилаш;
3. Машғулотни таркибий қисмларга ажратиб олиш;
4. Машғулотнинг таркибий қисмлари учун Б.Блум таксономияси асосида хусусий мақсадларни белгилаб олиш;
5. Машғулотнинг лойиҳалаштирилган мазмунини шакллантиришда хусусий мақсадларни мазмунга сингдириш;
6. Белгиланган мақсадларга эришганлик даражасини текшириш учун тест кўринишидаги баҳолаш назоратини ишлаб чиқиш.

МАХСУС ФАНЛАР БЎЙИЧА ТАЙЁРЛАНАДИГАН МАТЕРИАЛЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

5140900 – Касб таълими йўналиши талабаларига Битирув малакавий ишларни тайёрлаш жараёнида касб-хунар коллежларида кичик мутахассисларга “Тикувчилик ишлаб чиқариш технологияси”, “Тикувчилик корхона жиҳозлари”, “Тикув-трикотаж ишлаб чиқариш технологияси” ва “Тикув-трикотаж корхона жиҳозлари” фанларини ўқитишда ўқув материаллари лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун қуйидагилар талаб этилади:

Талабаларда дастлабки билим ва тушунчаларни ҳосил қилишда назарий машғулот учун керакли бўладиган материаллар мазмуни қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

- топшириқ мавзуни ҳисобга олган ҳолда битта кийим моделини танлаши;
- моделнинг эскизи ва техник чизмасини чизиши;
- моделнинг ташқи кўринишини тавсифлаши;
- моделга мувофиқ кийим учун танланган газламанинг танда ип йўналиши ва деталлар сонини кўрсатиш орқали бичиқ деталлар рўйхатини тузиши;
- танланган моделга ишлов бериш учун материаллар, жиҳоз ва ишлов бериш режимларини танлаши;

Талабаларда кўникма ва малакаларни шакллантириш мақсадида амалий машғулотни ташкил қилиш учун керакли материаллар моҳияти қуйидагилардан ташкил топиши лозим:

- топшириқда кўрсатилган кийим қисмига ишлов бериш технологик кетма-кетлигини аниқлаши ва шу бўйича технологик харита ишлаб чиқиши;
- тикув жараёнида учраши мумкин бўлган нуқсонларни аниқлаши ва уларни бартараф этиш йўллариини белгилаши;
- танлаб олинган узелнинг намунасини тайёрлаши;

Талабаларни мустақил фаолиятларини ташкил этиш мақсадида, уларда кўникма ва малакаларни такомиллаштириш ҳамда ижодий тафаккурларини ривожлантириш учун бериладиган мустақил топшириқлар мазмуни қуйидагиларни қамраб олиши зарур:

- берилган топшириқ бўйича такомиллаштирилган ишлов бериш технологиясини ишлаб чиқиши лозим.

Техника хавфсизлиги ва санитария-гигиена қоидалари:

- ўқув устахоналарида техник хавфсизликни таъминлаш;
- техник қоидаларга риоя қилиши меъёрлари.

Талабаларда дастлабки билим ва тушунчаларни ҳосил қилишда назарий машғулотни ташкил қилиш учун керакли бўладиган материаллар мазмуни

Талаба топшириқ мавзуни ҳисобга олган ҳолда ***битта кийим моделини танлашда:***

- фаслга хос истиқболли мода йўналиши билан танишиши;
- ранглар ва газламалар турларининг гаммасини ўрганиши;
- силуэтларни танлаб олиши;
- энг турлари ва узунлигини белгилаши;
- тақилмаларни танлаши;
- ёқаларни белгилаб олиши;
- чўнтакларни аниқлаши;
- кийимга қўшимча деталларни киритиши лозим бўлади.

Талаба **моделнинг эскизи ва техник чизмасини чизишда:**

- учта таклиф модел бериши;
- модел эскизини рангли вариантини тақдим этиши;
- модел эскизи олд кўриниши берилади ва барча конструктив ҳамда технологик чизиқлари аниқ кўрсатилиши;
- моделнинг техник чизмасининг олд ва орт кўриниши келтирилиши;
- модел техник чизмасида барча конструктив ва технологик чизиқлари аниқ кўрсатилиши;
- техник чизмаларда деталларнинг қирқимлари белгиланиши;
- техник чизмада белгиланган қирқимлар чизилиши лозим.

Талаба **моделнинг ташқи кўринишини тавсифлашда:**

- кийимнинг номини белгилаши;
- белгиланган мақсадда фойдаланишини кўрсатиши;
- модел авра ва астар газлама номларини келтириши;
- силуэти ҳақида маълумот бериши;
- кийим узунлигини тавсифлаши;
- олд ва орқа бўлаклари тавсифини шарҳлаши;
- шунингдек, унда танланган энгга шарҳ бериши;
- кийим учун танланган ёқа ҳақида тўлиқ маълумот бериши;
- модел учун танланган чўнтакни изоҳлаши;
- модел учун танланган безак деталларини шарҳлаб бериши керак.

Талаба моделга мувофиқ кийим учун танланган газламанинг танда ип йўналиши ва деталлар сонини кўрсатиш орқали **бичиқ деталлар рўйхатини тузишда:**

- моделга мувофиқ кўйлакнинг бичиқ деталларини чизиши;
- ёрдамчи қатлам деталларини чизиши;
- чизилган деталларга танда ипи йўналишини кўрсатиши;
- деталлар қирқимларини номлаши;
- чизилган деталларга биноан деталлар рўйхатини тузиб чиқиши мақсадга мувофиқдир.

Талаба **танланган моделга ишлов бериш учун материаллар, асбоб-ускуна ва ишлов бериш режимларини танлашда:**

I. Моделга мувофиқ материалларни танлаш ва асослаш:

- моделга қўйиладиган талабларни аниқлаши;
- моделга мувофиқ авра газлама талабларини аниқлаш ва уни тавсия қилиши;
- моделга мувофиқ астар газлама талабларини аниқлаш ва уни тавсия қилиши;

3-жадвал

№	Материал номи	Тола таркиби		Материал эни, см	Намуна
		танда	арқоқ		

- моделга мувофиқ ёрдамчи материаллар учун талабларини аниқлаш ва уларни тавсия қилиши (елимли қотирмалар, пленкали материаллар туркумидан);

4-жадвал

№	Материал номи	Тўқима тури	Елим маркази	Елимни юза бўйлаб жойлашиши	Материал эни, см	Намуна

- моделга мувофиқ фурнитураларини аниқлаш ва уларни тавсия қилиши;

5-жадвал

№	Фурнитура номи	Техник чизма	Фурнитура ўлчамлари (Ў, эни, см)	Кимёвий таркиби	Намуна

- моделга мувофиқ безак материалларни аниқлаш ва уларни тавсия қилиши ва ҳоказо.

6-жадвал

№	Материал номи	Тола таркиби		Ўрилиш тури	Материал ўлчамлари (эни, см)	Намуна
		танда	арқоқ			

II. Моделга мувофиқ жиҳозларни танлаш ва асослаш:

- танланган моделга ассортименти ва материалларидан келиб чиққан ҳолда тикув машиналарини танлаш (универсал, махсус, яримавтомат ва автомат тикув машиналари туркумидан);

7-жадвал

№	Машина маркаси ва ишлаб чиқарган корхона	Тикув машинаси туркуми	Бош валининг айланиш тезлиги, мин ⁻¹	Моки / чалиш- тиргич тури	Игна рақами	Баҳяқа- тор тури	Ип торт- гич	Газла- ма сур- гич

- моделга намлаб иссиқлик ишлов беришда қўлланиладиган ускуналарни танлаш (дазмол, пресс ва буғ манекенлари туркумидан);

8-жадвал

№	Ускуна маркаси ва ишлаб чиқарган корхона	Ускуна туркуми	Ускуна оғирлиги, гр	Ускуна ўлчамлари		
				Баландлиги, мм	Эни, мм	Бўйи, мм

III. Ишлов бериш режимларини танлаш ва асослаш:

- ип билан бириктириш операциялари тартиби;

9-жадвал

№	Чок номи	Техник тавсиф ва қўлланиладиган жойи	Техник чизма	Асбоб- ускуна	Тартиб	
					Игна номери	Ип номери

- намлаб иситиб ишлов бериш операциялари тартиби;

10-жадвал

№	Операция номи	Техник чизма	Ускуна	Тартиб	
				Температура, °C	Операция давомийлиги, сек

**Талабаларда кўникма ва малакаларни шакллантириш мақсадида
амалий машғулоти ташкил қилиш учун керакли
материалларни ишлаб чиқиш**

Талаба топшириқда кўрсатилган *кийимга ишлов беришда*:

- кийимга ишлов бериш технологияси билан танишиши;
- топшириқда кўрсатилган кийимга ишлов бериш технологик кетма-кетлигини тузиб чиқиши талаб этилади.

11-жадвал

№	Бўлинмас операция номи	Ихтисослик	Разряд	Сарфланадиган Вақт, сек

Талаба топшириқда кўрсатилган *кийим узелига ишлов бериш технологик харитасини ишлаб чиқишда*:

- асосий ҳаракатларни ажратиб қўйиши ва уларни бажаришдаги техник сифатларни кўрсатиб бериши;
- асосий ҳаракатлар расмини технологик кетма-кетликда бажариши талаб этилади.

12-жадвал

№	Бўлинмас операция номи	Техник шarti	Схема	Қўлланладиган асбоб-ускуна

Талаба тикув жараёнида учраши мумкин бўлган *нуқсонларни аниқлаши ва уларни бартараф этиш йўллари*ни белгилашда:

- олд ва орқа бўлақлардаги нуқсонлар;
- кийимнинг ёқа қисмида учрайдиган нуқсонлар;
- модел учун танланган чўнтакда учрайдиган нуқсонлар;
- кийимнинг енг қисмларида учрайдиган нуқсонларни аниқлаши, шунингдек, ушбу нуқсонларнинг пайдо бўлиш сабабларини белгилаб, нуқсонларни олдини олиш йўллари белгилаши тақозо этилади;
- танланган узел намунасини тайёрлаши лозим.

**Талабаларни мустақил фаолиятларини ташкил этиш мақсадида
уларда кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш ҳамда ижодий
тафаккурларини ривожлантириш учун бериладиган
мустақил топшириқлар мазмуни**

Талаба берилган топшириқ бўйича *такомиллаштирилган ишлов бериш технологиясини ишлаб чиқишда*:

- ассортимент талабларидан келиб чиқиб, бошқа тур материаллардан ва мавжуд асбоб-ускуналардан фойдаланган ҳолда моделни танлашни асослаш;
- материалларни танлаш (3 та);

13-жадвал

№	Материал номи	Тола таркиби		Материал эни, см	Намуна
		танда	арқоқ		

14-жадвал

№	Материал номи	Тўқима тури	Елим маркаси	Елимни юза бўйлаб жойлашиши	Материал эни, см	Намуна

- мавзу бўйича кийим ёки бирор асосий узелга ишлов бериш кетма-кетликни тузиш (I-вариант);
- янги материаллар ассортиментидан келиб чиққан ҳолда кийим узелига ишлов беришнинг истикболли технологияси ишлаб чиқиш (II-III-вариант);
- тузилган кетма-кетликлар ўртасидаги фарқ ва умумий жиҳатларини аниқлаш;
- ҳар хил материал ассортименти учун берилган моделга мувофиқ янги технологияни таклиф қилиш;
- янги материаллар ассортиментидagi кийимлар узеллари қирқимини келтириш;
- янги яратилган кийимлар узеллари учун технологик кетма-кетликларни тузиш.

15-жадвал

I-вариант					II-вариант					III-вариант				
№	Булинмас операция номи	Ихтисослик	Разряд	Сарфланадиган Вақт, сек	№	Булинмас операция номи	Ихтисослик	Разряд	Сарфланадиган Вақт, сек	№	Булинмас операция номи	Ихтисослик	Разряд	Сарфланадиган Вақт, сек

ТЕХНИКА ХАВФСИЗЛИГИ ВА САНИТАРИЯ-ГИГИЕНА ҚОИДАЛАРИ

Ўқув устахоналарида техник хавфсизликни таъминлаш

- Ўқувчилар ишлаб чиқариш амалиётини ўтайдиган ўқув уста хона ҳарорати ва намлик даражасини меъёрий ҳолда сақлаб туриш;
- мавсумга қараб уста хона ҳарорати ва намлиги параметрларини ўзгартириш;
- тармоқ ишлаб чиқариш техника хавфсизлигига ва санитария қоидаларига риоя қилиш;
- тикувчилик ишлаб чиқариш амалиёти ўқув уста хонасида машиналар оқими ўртасидаги йўлакларни турли хил буюмлар блан тўсиш ман этилади;
- хонадаги ҳарорат меъёри 18-22⁰С ни ташкил қилиши лозим;
- хона поллари ҳар куни намлаб артиб турилиши лозим;
- чанг кўп тўпланадиган жойларни доимий назорат қилиш ва тозалаб туриш;
- намлаб иссиқлик ишлов бериладиган операциялар бажариладиган ускуналар асосий ускуналардан алоҳида жойда жойлаштирилиши лозим.

Техник қоидаларга риоя қилиш

- Амалий машғулотни бошлашдан аввал кириш йўриқномаси билан танишиш;
- бичиш асбоб-ускуналарида ишлашдан аввал ҳимоя воситаларининг ишга яроқлилиқ ҳолатини кўздан кечириш;
- бичиш асбоб-ускуналаридан фойдаланганда тана аъзоларини кесувчи пичоқдан узоқроқ тутиш;
- бичиш ускуналари пичоқлари фақатгина махсус асбоблар билан чарҳланиши мумкин, чарҳлаш ишларини қўлда амалга ошириш қатъян ман этилади;
- электр ўтказувчи симлар ва блоklarнинг изоляцияланганлиги таъминланиши лозим;
- ҳар бир тикув машинасида қўл бармоқларини игна билан туташувини олдини олиш мақсадида махсус ҳимоя қилувчи воситалар билан таъминланган бўлиши лозим;
- электродвигателни ўчирмасдан туриб машинада профилактика ишларини олиб бориш мумкин эмас;
- машина айланиб турадиган қисмлари олдида қайчи ва бошқа буюмларни қўйиш мумкин эмас;
- тугма ва илгак тикиш яримавтоматлари ҳамда автоматлар ўқувчини синган тугма бўлакларидан ҳимоя қиладиган корпуслар билан таъминланган бўлиши лозим;
- электр дазмоллар билан ишлаганда симларининг изоляцияланганлигини кўздан кечириш лозим;
- намлаб иситиб ишлов бериш операцияларида намлаш махсус сув пуркагичлар ёрдамида амалга оширилиши лозим;

- дазмолнинг қизиб турган юзасига тана аъзоларини тегишини олдини олиш керак;
- намлаб иситиб ишлов бериш ишлари якунлангач дазмоллаш столлари электр тармоқлардан узиб қўйилиш лозим;
- пресслаш жараёнида пресс ёстикчалари яқинига юз билан яқинлашиш мумкин эмас;
- қўл ишларни бажаришда асосий тикув машиналари бажариладиган участкаларда ҳалақит бермаслик лозим.

5140900 – Касб таълими йўналиши талабаларига битирув малакавий ишларни тайёрлаш жараёнида касб-ҳунар коллежларида кичик мутахассисларга “Кийимларни лойиҳалаш асослари”, “Кийимларни моделлаш ва безаш”, “Кенг ассортиментдаги кийимларни лойиҳалаш ва моделлаштириш”, “Кенг ассортиментдаги кийимларни бадиий безаш” фанларини ўқитишда ўқув материаллари лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун қуйидагилар талаб этилади:

Талабаларда дастлабки билим ва тушунчаларни ҳосил қилишда **назарий машғулот учун керакли бўладиган материаллар мазмуни** қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

- топшириқ мавзуни ҳисобга олган ҳолда замонавий мода йўналишини таҳлил қилиши;
- моделнинг эскизи ва техник чизмасини чизиши;
- моделнинг ташқи кўринишини тавсифлаши;
- топшириқ мавзуни ҳисобга олган ҳолда битта кийим моделини танлаши;
- танланган моделга мувофиқ материалларни танлаши;
- буюмни конструкциялаш усулини танлаш ва асослаш;

Талабаларда кўникма ва малакаларни шакллантириш мақсадида **амалий машғулотни ташкил қилиш учун керакли материаллар моҳияти** қуйидагилардан ташкил топиши лозим:

- буюмнинг асос ва модел конструкцияларини ишлаб чиқиши;
- буюм конструкцияси асосида андозаларни тайёрлаш;
- конструкциялаш жараёнида учраши мумкин бўлган нуқсонларни аниқлаши ва уларни бартараф этиш йўллари белгилаши ҳамда буюм макетини ишлаб чиқиш.

Талабаларни мустақил фаолиятларини ташкил этиш мақсадида, уларда кўникма ва малакаларни такомиллаштириш ҳамда ижодий тафаккурларини ривожлантириш учун бериладиган **мустақил топшириқлар мазмуни** қуйидагиларни камраб олиши зарур:

- топшириқ сифатида берилган ассортиментдаги янги моделларнинг техник чизмаларини ишлаб чиқиш;
- буюм асос конструкциясида бир нечта янги моделларни ишлаб чиқиш.

**Талабаларда дастлабки назарий билим ва тушунчаларни ҳосил қилишда
маъруза машғулотларини ташкил қилиш учун керакли бўладиган
материаллар мазмуни**

***Талаба топшириқ мавзуни ҳисобга олган ҳолда замонавий мода
йўналишини таҳлил қилишда:***

- фаслга хос истикболли мода йўналиши билан танишиши;
- ранглар ва газламалар турларининг гаммасини ўрганиши;
- силуэтларни танлаб олиши;
- енг турлари ва узунлигини белгилаши;
- тақилмаларни танлаши;
- ёқаларни белгилаб олиши;
- чўнтакларни аниқлаши;
- кийимга қўшимча деталларни киритиши лозим бўлади.

Талаба моделнинг эскизи ва техник чизмасини чизишда:

- учта таклиф модел бериши;
- модел эскизини рангли вариантини тақдим этиши;
- модел эскизи олд кўриниши берилади ва барча конструктив ҳамда технологик чизиқлари аниқ кўрсатилиши;
- моделнинг техник чизмасининг олд ва орт кўриниши келтирилиши;
- модел техник чизмасида барча конструктив ва технологик чизиқлари аниқ кўрсатилиши;
- техник чизмаларда деталларнинг қирқимлари белгиланиши;
- техник чизмада белгиланган қирқимлар чизилиши лозим.

Талаба моделнинг ташқи кўринишини тавсифлашда:

- кийимнинг номини белгилаши;
- белгиланган мақсадда фойдаланишини кўрсатиши;
- модел авра ва астар газлама номларини келтириши;
- силуэти ҳақида маълумот бериши;
- кийим узунлигини тавсифлаши;
- олд ва орқа бўлаклари тавсифини шарҳлаши;
- шунингдек, унда танланган енгга шарҳ бериши;
- кийим учун танланган ёқа ҳақида тўлиқ маълумот бериши;
- модел учун танланган чўнтакни изоҳлаши;
- модел учун танланган безак деталларини шарҳлаб бериши керак.

Талаба танланган моделга мувофиқ материалларни танлашда:

- моделга қўйиладиган талабларни аниқлаши;
- моделга мувофиқ авра газлама талабларини аниқлаш ва уни тавсия қилиши;

- моделга мувофиқ астар газлама талабларини аниқлаш ва уни тавсия қилиши;
16-жадвал

№	Материал номи	Тола таркиби		Ўрилиш тури	Материал эни, см	Намуна
		танда	арқоқ			

- моделга мувофиқ ёрдамчи материаллар учун талабларини аниқлаш ва уларни тавсия қилиши (елимли қотирмалар, пленкали материаллар туркумидан);
17-жадвал

№	Материал номи	Тўқима тури	Елимни юза бўйлаб жойлашиши	Материал эни, см	Намуна

- моделга мувофиқ фурнитураларини аниқлаш ва уларни тавсия қилиши;
18-жадвал

№	Фурнитура номи	Фурнитура ўлчамлари (Ў, эни, см)	Намуна

- моделга мувофиқ безак материалларни аниқлаш ва уларни тавсия қилиши ва ҳоказо.
19-жадвал

№	Материал номи	Тола таркиби		Материал ўлчамлари (эни, см)	Намуна
		танда	арқоқ		

**Талабаларда кўникма ва малакаларни шакллантириш мақсадида
амалий машғулоти ташкил қилиш учун керакли бўладиган
материаллар моҳияти**

Талаба буюмнинг асос ва модел конструкцияларини ишлаб чиқишда:

- типовий қоматнинг ўлчамлари;

20-жадвал

№	Қомат ўлчамлари номи	Шартли белгиси	Қиймат, см

- асос конструкцияни қуриш учун керакли қўшимчалар;

21-жадвал

№	Конструктив қўшимчалар номи	Шартли белгиси	Қиймат, см

- буюмнинг асос конструкцияси ҳисоби;

22-жадвал

№	Қирқимлар номи	Формула, ҳисоб	Қиймат, см

- лойиҳаланаётган буюм асос конструкциясини моделлаш жараёнининг тавсифи келтирилиши лозим.

Лойиҳаланаётган буюм асос конструкцияси А4 қоғозда 1:5 ва чизма учун махсус қоғоз (миллиметровка)да 1:1 масштабларда бажарилади.

Талаба буюм конструкцияси асосида асосий андозаларни тайёрлашда:

23-жадвал

№	Детал ва қирқимлар номи	Сони		Чок ҳақи қиймати, см	Кертиклар жойлашган қирқимлари номи
		Андозалар	Деталлар		

- конструкторлик ҳужжатларида барча асосий андозалар А4 форматда 1:5 масштабда ва дипломга илова учун 1:2 масштабда тайёрланиши талаб этилади.

Талаба конструкциялаш жараёнида учраши мумкин бўлган нуқсонларни аниқлаши ва уларни бартараф этиш йўллари белгилаши ҳамда буюм макетини ишлаб чиқишда:

- олд ва орқа бўлақлардаги нуқсонлар;
- кийимнинг ёқа қисмида учрайдиган нуқсонлар;
- модел учун танланган чўнтакда учрайдиган нуқсонлар;
- кийимнинг энг қисмларида учрайдиган нуқсонларни аниқлаши, шунингдек, ушбу нуқсонларнинг пайдо бўлиш сабабларини аниқлаб, нуқсонларни олдини олиш йўллари белгилаши тақозо этилади.

Талабаларни мустақил фаолиятларини ташкил этиш мақсадида уларда мантикий тафаккур ва ижодий ёндашувларини ривожлантириш учун бериладиган мустақил топшириқлар мазмуни

Талаба буюм асос конструкциясида бир нечта янги моделларни ишлаб чиқишда:

- замонавий мода йўналиши ва танланган материал пакетидан келиб чиққан ҳолда 2 та янги таклиф модел техник чизмасини келтириши;
- ушбу моделларни тавсифлаши;
- буюм асос конструкциясига янги эскизлар хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда моделлаштириши;
- ҳар бир янги модел конструкцияси алоҳида чизиклар (штрих-пунктир) билан ажратиб кўрсатиши;
- буюмни моделлаштириш жараёнининг кетма-кетлигини келтириш.

24-жадвал

№	Моделлаш операцияси	Техник чизма	Изоҳ

Битирув малакавий иш мазмунида ўқув машғулотларини лойиҳалаш учун зарур бўладиган материаллар

25-жадвал

1. ИШЧИ ЎҚУВ РЕЖА

№	Мавзулар	Ўқув машғулотлари		
		Маъруза	Амалий	Мустақил таълим
1.				
2.				
3.				
4.				
Жами:				

26-жадвал

2. ЎҚУВ МАШҒУЛОТИНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

Мавзу	
Ўқув мақсадлари	Таълимий: Тарбиявий: Ривожлантирувчи:
Вазифалар	
Ўқув жараёнининг мазмуни	
Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси	Метод: Шакл: Восита: Усул: Назорат: Баҳолаш:
Қўтиладиган натижалар	Ўқитувчи Талаба
Келгуси режалар	Ўқитувчи Талаба

3. МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

Мавзу:

Режа:

- 1.
- 2.
- 3.
- 4.

Тушунчалар ва таянч иборалар:

Ўқув мақсадлари:

- Таълимий:
- Тарбиявий:
- Ривожлантирувчи:

Асосий ўқув материаллар қисқа:

Назорат савол ва топшириқлар:



Мустақил иш топшириқлари:

Адабиётлар:

3-расм



4. ЎҚУВ-ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАР

- **муаммоли вазиятлар**



4-расм

- **ижодий топшириқлар**



• тарқатма материаллар ва карточкалар



- **ўйинли топшириқлар,**
- **анкета сўровномалари,**
- **қизиқарли савол ва масалалар,**
- **лойиҳалар, йўналтирувчи саволлар,**
- **қизиқарли савол ва масалалар,**
- **крессовордлар**

27-жадвал

Ч					
	Ў				
		Н			
			Т		
				А	
					К

- **саволнома ва йўриқномалар**
- **амалий ишни ташкил этиш бўйича технологик хариталар**
- **топшириқлар ва назорат саволлари**

28-жадвал

Тестларни ечинг ва тўғри жавобларни асослаб беринг.	
1.	Ўсмир қизлар пальтоси учун танланадиган чўнтакларни белгилаб кўрсатинг *А. Ички ва ташқи чўнтаклар Б. Қирқма чўнтак, қоплама чўнтак, безак чокдаги чўнтаклар В. Листочкали, қопқоқли, қопқоқсиз ва рамкали чўнтаклар
2.	Қирқма чўнтак турларини аниқланг. *А. Қопқоқли, листочкали, рамкали, мағизли Б. Ёлғон чўнтак, қопқоқли чўнтак, халтали чўнтак В. Ички ва ташқи чўнтаклар
3.	Қоплама чўнтакларни нималар асосида безатиш мумкин? А. Чоклар, тасмалар ва турли хил қирқимлар Б. Авра ва астарлар *В. Тахламалар, мағизлар, қопқоқлар
4.	Листочкали қирқма чўнтакка ишлов беришда листочкалар қандай шаклда бўлиши талаб этилади? А. Фақат тўғри тўртбурчак *Б. Бурчакли ва шаклдор В. Фақат айлана
5.	Чўнтакка ишлов беришнинг якуний босқичини аниқланг. А. Чўнтакка рамкали килиб баҳякатор юрийтиш Б. Қопқоқ билан чўнтак халтани олд бўлакка бириктириб тикиш *В. Чўнтакни дазмол ёки прессда дазмоллаш

4. ЎҚУВ ЖАРАЁНИГА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАР ТАТБИҒИ

1. «Блиц уйин» (Тўлқинсимон) методи

Ушбу методни қўллаш жараёнида ўқувчиларга “Аёллар кўйлаги”ни лойиҳалаш жараёнларининг кетма-кетлигини 3 дақиқа давомида аниқлаш топшириғи берилади. Масалан:

29-жадвал

<i>Харакат мазмуни</i>
Базис тўрини қуриш
Қўшимчаларни аниқлаш
Қомат ўлчамларини олиш
Модел танлаш
Асос конструкция ҳисобини амалга ошириш
Аёллар кўйлаги конструкциясини қуриш
Лойиҳалаш усулини танлаш
Моделга тавсиф бериш
Конструкцияга модел чизиқларини ўтказиш
Андозаларни тайёрлаш

Топшириқ ўқувчилар томонидан бажарилгач, улар жавоблари аниқлаш учун тўғри вариантлар қуйидаги жадвал асосида келтирилади ва бирданига уларнинг жавоблари таққослаб баҳолаб борилади. Ушбу методни гуруҳларга ажратиб ва индивидуал тарзда ҳам амалга ошириш мумкин.

30-жадвал

«Блиц уйин» (Тўлқинсимон) методи асосида фаолиятни баҳолаш

<i>Харакат мазмуни</i>	<i>Якка баҳо</i>	<i>Якка хато</i>	<i>Тўғри жавоб</i>	<i>Гуруҳ хато</i>	<i>Гуруҳ баҳо</i>
Базис тўрини қуриш			7		
Қўшимчаларни аниқлаш			5		
Қомат ўлчамларини олиш			4		
Модел танлаш			1		
Асос конструкция ҳисобини амалга ошириш			6		
Аёллар кўйлаги конструкциясини қуриш			8		
Лойиҳалаш усулини танлаш			3		
Моделга тавсиф бериш			2		
Конструкцияга модел чизиқларини ўтказиш			9		
Андозаларни тайёрлаш			10		

2. Инсерт технологияси

Инсерт технологиясини қўллаш учун дастлаб ўқувчиларга маъруза матни билан танишиб чиқиш вазифаси юклатилади. Матнни ўқиш учун ўқитувчи мавзу мазмуни кўлаמידан келиб чиққан ҳолда регламент белгилайди. Сўнгра жадвал асосида мавзу юзасидан саволларни келтиради ва ўқувчиларни жадвал қаторларини қуйидаги белгиларни қўйиб чиқишни топширади.

31-жадвал

Мавзу саволлари	√	+	-	?
1.				
2.				
3.				
4.				

Белгилар қуйидаги маъноларни англатади:

(√) - Биламан.

(+) - Мен учун янги маълумот.

(-) - Мен билган маълумотни инкор қилади.

(?) – Ноаниқ, мавхум (қўшимча аниқликни талаб қиладиган) маълумот.


32-жадвал

3. «БББ» методи

Мавзу саволлари	Биламан	Билиб олдим	Билишни хоҳлайман
1.	+		
2.		+	
3.		+	
4.			+
5.			+

6-расм

4. «Балиқ скелети» методи



«Балиқ скелети» методини самарали амалга ошириш қадамлари

Ҳар бир иштирокчи эркин ишлаши учун қулай шароит яратилиши керак. Мустақил фикр ва ғояларни ёзиш учун керакли доска, юмшоқ доска, флешчатка, рангли маркерлар, постерлар, кодоскоп ва турли форматдаги қоғозлар олдиндан тайёрланиши лозим. Бериладиган мавзу, муаммо ёки вазиятлар аниқланади.

Иш қоидаларини белгилаш керак:

- а) берилган ғоялар баҳоланмайди;
- б) фикрлашга тўлиқ эркинлик берилади;
- в) берилаётган ғоялар миқдори қанча кўп бўлса, шунча яхши;
- г) «ўйланг», «илиб олинг» ва бошқа ғояларга асосланиш керак;
- д) мустақил фикр ва ғоялар тўғрисида сўраш ва мағзини чақиш керак;
- е) мавзу асосида берилган ғояларни ёзиб, кўринадиган жойга илиб қўйиш зарур;
- ж) берилган янги ғояларни янада тўлдириб, қатнашчилар рағбатлантирилиши лозим;
- з) қатнашчилар ғоялари устидан кулиш, кинояли шарҳлар ва майна қилишларга йўл қўйилмаслиги шарт;
- и) янги-янги ғоялар туғилаётган экан, демак ишни давом эттириш керак.

5. «ЗИГЗАГ» техникаси


ЗИГЗАГ техникаси асосида гуруҳда ишлаш қоидалари

Ҳамкорликда ўқитиш технологияси қуйидаги тамойилга асосланади:

- талабалар кичик гуруҳларга ажратилади;
- гуруҳнинг ҳар бир аъзоси мавзунинг бирор қисми бўйича экспертга айланади;
- ўзи ўрганган масалани гуруҳнинг бошқа аъзоларига тушунтиради;
- ҳар бир гуруҳ аъзоси тушунтиради ва эшитади шу йўсинда мавзунини тўлиқ эгаллайди.

«Зигзаг» техникасини ташкил этиш жараёнининг схематик кўриниши.

9-расм



10-расм

Гуруҳларга бериладиган топшириқлар:

1-гуруҳ учун: 1.Кийимларни лойиҳалашда ишлатиладиган ўлчов турлари.


2-гуруҳ учун: 2.Кийимни лойиҳалашда ишлатиладиган қўшимчалар.

3-гуруҳ учун: 3.Кийимларни лойиҳалаш усуллари.

- муляж усули;
- ҳисоблаб лойиҳалаш усули;
- ўлчов-ҳисоблаб лойиҳалаш усули;
- ягона лойиҳалаш усули.

4-гуруҳ учун 4.Аёллар кийимини тавсифи.

6. «Т – схема» техникаси



33-жадвал

1-гурӯҳ учун топшириқ:

**Эркаклар бош кийимларининг афзалликлари ва камчиликларини
Т-схема жадвали асосида тўлдириш**

Афзалликлар	Камчиликлари

34-жадвал

2-гурӯҳ учун топшириқ:

**Эркаклар оёқ кийимларининг афзалликлари ва камчиликларини
Т-схема жадвали асосида тўлдириш**

Афзалликлар	Камчиликлари

3-гуруҳ учун топшириқ:

Эркаклар ички кийимларининг афзалликлари ва камчиликларини

Т-схема жадвали асосида тўлдиринг

Афзалликлар	Камчиликлари

4-гуруҳ учун топшириқ:

Эркаклар устки кийимларининг афзалликлари ва камчиликларини

Т-схема жадвали асосида тўлдиринг

Афзалликлар	Камчиликлари

7. «Кубик» методи

«Кубик» методини амалга ошириш қоидалари

Бу усул кўрилатган масалани турли томондан, кадамба-кадам, осондан қийинга томон йўналишда тасаввур этиш имкониятини беради. Кубикнинг ҳар бир томони муайян топшириқни ифодалайди.

- Бу нима? Кўраётган нарсани ранги, ўлчамлари, шаклини тасаввур этинг ва ёзма равишда таърифланг.
- Такқосланг: У нимага ўхшайди, нимадан фарқ қилади?
- Ассоциация. Таассуротингизни изоҳланг? У сизни нима тўғрисида ўйлашга мажбур қилди? Хаёлингизга нима келди?
- Таҳлил қилинг. Бу нимадан ва қандай ясалган? Қандай қисмлардан тузилган? Нималардан ташкил топган?
- Қўлланг. Бу нимага ярайди? Уни қаерда қўллаш мумкин?
- «Ҳа» ва «Йўқ»ларни асосланг. Бунда ишончли далиллар ва асословчи фикрларни айтинг.

«Кубик» методини қўлаш босқичлари

- Мавзу (тушунча) эълон қилинади;
- Ўқувчилар якка тартибда ишлайдилар. Кубикнинг ҳар бир томони учун топшириқ берилиб, 40-60 сония вақт ажратилади.
- Якка тартибда ишлаш тугагандан кейин гуруҳларда муҳокама қилинади.
- «Кубик»ни ҳар бир микрогуруҳдан бир вакил тақдимот қилади.

**Махсус кийим ишлаб чиқаришда ишлатиладиган материаллар турларини
«Кубик» методи асосида тавсифланг**

Топшириқлар

Кубикнинг 1-томони: 1. Материалларнинг гигиеник хусусиятларини аниқланг.


Кубикнинг 2-томони: 2. Материалларнинг физик-механик хусусиятларини белгиланг.

Кубикнинг 3-томони: 3. Материалларнинг технологик хусусиятларини очиб беринг.

Кубикнинг 4-томони: 4. Махсус кийим учун ишлатиладиган газлама турларини ёритинг.

Кубикнинг 5-томони: 5. Махсус кийимлар ишлаб чиқарувчи етакчи корхоналарни аниқланг.

Кубикнинг 6-томони: 1.....?



15-расм

8. «Синквейн» методи

«Синквейн» методини самарали амалга ошириш қадамлари


Ҳар бир иштирокчи эркин ишлаши учун қулай шароит яратилиши керак. Мустақил фикр ва ғояларни ёзиш учун керакли доска, юмшоқ доска, флешчатка, рангли маркерлар, постерлар, кодоскоп. турли форматдаги қоғозлар олдиндан тайёрланиши лозим. Бериладиган мавзу, муаммо ёки вазиятлар аниқланади

Синквейн тузиш қоидаси:

1. Биринчи қаторда топшириқ бир сўз, одатда от билан ифодаланади (Ким? Нима?)
2. Иккинчи қаторга мавзуга оид иккита сифат ёзилади (Қандай? Қанақа?)
3. Учинчи қаторда мавзу доирасидаги хатти-ҳаракат вазифасини англатувчи учта сўз феъллар билан ифодаланади.
4. Тўртинчи қаторга мавзуга нисбатан тасаввур (ассоциацияси)ни англатувчи ва тўртта сўздан иборат бўлган фикр (сезги) ёзилади.
5. Охирги қаторга мавзу моҳиятини такрорлайдиган, маъноси унга ўхшаш бўлган битта сўз (синоним) ёзилади.


16-расм

А. «Синквейн» методи




17-расм

Б. «Синквейн» методи



18-расм


9. «Нима учун?» органайзерини тўлдириш




19-расм

10. Венна диаграммаси

1)



2)



20-расм

ДИАГРАММА ВЕННАНИ ТУЗИШ ҚОИДАЛАРИ

1. Ўрганилаётган ҳолатнинг 2-3 жиҳатларини топинг ва уларга тавсиф беринг, уларга хос томонларини санаб ўтинг.

2. Санаб ўтилган уларга хос томонларни доира шаклидаги тегишли диаграммага ёзинг.

3. Уларни солиштиринг, умумий ва умумий бўлмаган томонларини солиштиринг.


4. Доираларни бирлаштириб Диаграмма Венна тузинг. Доираларнинг кесишган жойларига ўрганилаётган жиҳатларнинг умумий томонларини ёзинг.

21-расм

11. «Каскад» техникаси

Ушбу технология ғоялар тизимини ишлаб чиқишга кўмак беради:

Асосий мақсад: аниқ ва ижодий фикрлаш қобилиятини фаоллаштириш.



22-расм

2-гурӯх учун топшириқлар

2. "Каскад"-техникаси асосида "Шимга қўйиладиган эргономик талаблар"ни аниқлаб, шарҳлаб беринг.

23-расм

12. "Пинборд" техникаси

Юбкани контрукциялашнинг амалга оширилиш кетма-кетлигини "Пинборд" техникасида аниқланг ва мазмунини ёрнтиб беринг.

Пинборд техникаси
(инглизчадан: pin — маҳкамлаш, board — доска)
Муаммони ҳал қилишга оид фикрларни тизимлаштириш ва гуруҳлашни амалга оширишга, жамоа тарзда ягона ёки аксинча қарама-қарши позицияни шакллантиришга имкон беради. Масалан: Асос конструкция чизмасини ҳисоблаб, унинг қурилишини изоҳлайдилар.



Ўқитувчи таклиф этилган муаммо бўйича ўз нуқтаи назарларини баён қилишни сўрайди. Тўғридан-тўғри ёки оммавий ақлий ҳужумнинг бошланишини ташкил қилади (рағбатлантиради). Базис тўрини қуриш жараёнининг умумий технологик схемаси бўйича саволларга жавоб беришларини талаб этади.



Фикрларни таклиф қиладилар, муҳокама қиладилар, баҳолайдилар ва энг оптимал (самарали) фикрни танлайдилар. Уларни таянч хулосавий фикр (2 та сўздан кўп бўлмаган) сифатида алоҳида қоғозларга ёзадилар ва доскага маҳкамлайдилар. Юбкаларни конструкциялаш жараёнининг амалга оширилиш кетма-кетлигини ёзма равишда баён этадилар.



- Гуруҳ намоёндалари доскага чиқадиладар ва маслаҳатлашган ҳолда:
1. Яққол хато бўлган ёки такрорланаётган фикрларни олиб ташлайдилар;
 2. Баҳсли бўлган фикрларни ойдинлаштирадилар;
 3. Фикрларни тизимлаштириш мумкин бўлган белгиларини аниқлайдилар;
 4. Шу белгилар асосида доскадаги барча фикрларни (қоғоз варақларидаги) гуруҳларга ажратадилар;
 5. Уларнинг ўзаро муносабатларини чизиқлар ёки бошқа белгилар ёрдамида кўрсатадилар: жамоанинг ягона ёки қарама-қарши позициялари ишлаб чиқиладар.

13. "SWOT" таҳлил

А. Юбкаларни конструкциялашни "SWOT" таҳлил жадвали асосида ёритинг:

SWOT – таҳлил номланиши инглизча бош ҳарфлардан олинган:

Strengths – юбка конструкциясини қуриш учун олинадиган ўлчов қийматларининг афзаллик томонлари

Weakness – ўлчов қийматларининг камчилик жиҳатлари ёки муаммолар мавжудлиги;

Opportunities – имкониятлар; юбкани конструкциялашда унинг сифатини оширувчи имкониятлар;

Threats – юбка конструкциясини қуришда унинг сифатига таъсир этувчи нуқсонлар

**Б. Тахламаларни лойиҳалаш бўйича
бериладиган топшириқ**

"SWOT" таҳлил жадвали асосида топшириқларни бажариш қоидалари

SWOT – таҳлил номланиши инглизча бош ҳарфлардан олинган:

Strengths – тахламалар учун олинадиган ўлчов қийматларининг афзаллик томонлари

Weakness – тахламаларнинг камчилик жиҳатлари ёки муаммолар мавжудлиги;

Opportunities – имкониятлар; тахламаларни лойиҳалашда кийим сифатини оширувчи имкониятлар;

Threats – тахлама лойиҳасини қуришда унинг сифатига таъсир этувчи нуқсонлар

37-жадвал

"SWOT" таҳлил жадвали


S	W
O	T

25-расм

14. "Ёзма юмалоқ стол" методи

"Ёзма юмалоқ стол" методи асосида ишлаш қоидалари

1. Биргаликда ўрганиш усулига асосланади.
2. Қоғоз ва ҳар хил рангдаги қаламлар керак бўлади.
3. Гуруҳ аъзолари атрофида қоғоз ва қалам сурилиб борилади.
4. Иштирокчилардан биттаси ўртага ташланган масалага оид фикрини ёзади.
5. Гуруҳдошига узатади.
6. У ҳам ўз фикрини бошқа рангдаги қаламда ёзиб кейинги иштирокчига беради;
7. Ранглар турли булиши ҳар бир иштирокчининг шахсий фикрини, масала юзасидан иштирокини аниқлаш учун керак бўлади.
8. Фикрлар жамланиб, муҳокама қилиниб муаммонинг ечими топилади.



15. «Ажурли арра» методи

«Ажурли арра» методи қуйидаги босқичларда амлга оширилади:

1. Ўқитувчи ўтилган мавзулар асосида талабаларнинг ҳар бирига мўлжалланган ахборотли пакет тайёрлайди. Унда қўшимча тарзда журнал, газета ва бошқа манбалардан материаллар бўлиши керак. Улар бир хил қоғозда ва бир хил рангда бўлади.
2. Ўқувчилар аввал «ўз уйи», сўнгра «эксперт» гуруҳларга бирлашиб, топшириқларни мустақил бажарадилар. Биринчи босқич – «ўз уйи»да тайёрлаш ва иккинчи босқич – «эксперт» гуруҳларга бирлашиш. Ҳар икки босқич учун аниқ вақт белгиланади ва у ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Ҳар бир гуруҳда 3-7 тадан талаба бўлиши мумкин. Ўқувчилар ҳар бир босқичда олдиндан аниқ режаланган (лойиҳаланган) вазифаларни бажариб, ўз маҳоратлари, билим ва малакаларини намоён этишлари эҳтиёт қилинади. Ўқитувчи экспертларнинг баҳоси ва изоҳларини ҳисобга олиб, уларни умумлаштиради ва хулосалайди.
3. Мазкур методни амалиётга татбиқ этиш, ўқитувчидан ижодий изланишлар талаб этади. Ўқитувчи дарслик, қўлланма, журнал, газета ва бошқа ўқув манбаларидан кенг фойдаланган ҳолда, касбий таълим соҳасига оид янги муаммолар, ғояларни олиб, уларни ҳар бир қатнашчи учун алоҳида тайёрлайди.

***«Ажурли арра» методини қўллаш
учун бериладиган топшириқ***

1. Қоплама чўнтакни тикиш учун қандай деталлар керак бўлади?
2. Қоплама чўнтакнинг қандай турлари мавжуд?
3. Оддий қоплама чўнтакни тайёрлаш технологик кетма-кетлиги нималардан иборат?
4. Мураккаб қоплама чўнтакни тайёрлаш технологик кетма-кетлиги нималардан иборат?
5. Астарни қоплама чўнтакларга қандай ишлов берилади?

16. «Ақлий ҳужум» методи

***«Ақлий ҳужум» методини қўллашда амал
қилиш қоидалари***

1. Машғулот иштирокчиларини муаммо доирасида кенг фикр юритишга ундаш, улар томонидан кутилмаган мантиқий фикрларнинг билдирилишига эришиш.
2. Ҳар бир ўқувчи томонидан билдирилаётган фикр ёки ғоялар миқдори рағбатлантирилиб борилади. Бу эса билдирилган фикрлар орасидан энг мақбуллари танлаб олишга имкон беради. Бундан ташқари фикрларнинг рағбатлантирилиши навбатдаги – янги фикр ёки ғояларнинг туғилишига олиб келади.
3. Ҳар бир ўқувчи ўзининг шахсий фикр ёки ғояларига асосланиши ҳамда уларни ўзгартириши мумкин. Аввал билдирилган фикр (ғоялар) ни умумлаштириш, туркумлаштириш ёки уларни ўзгартириш илмий асосланган фикр (ғоялар) нинг шаклланишига замин яратади.
4. Машғулот жараёнида ўқувчиларнинг ҳар қандай фаолиятларини стандарт талаблар асосида назорат қилиш, улар томондан билдирилаётган фикрларни баҳолашга йўл қўйилмайди. Агарда уларнинг фикр (ғоя) лари баҳоланиб бориладиган бўлса, ўқувчилар ўз диққатларини шахсий фикрларини ҳимоя қилишга қаратадилар, оқибатда улар янги фикрларни илгари сурмайдилар.

17. «Брейн-ринг» методи

***«Брейн-ринг» методини қўллаш учун
бериладиган топширик***

«Брейн-ринг» методини қўллашда амал қилиш қоидалари

- ҳар бир командадан сардорлар сайланиб, балларни ҳисоблаб бориши;
- талабалар навбат билан саволларга жавоб бериши;
- амалий масалаларини ечиши;
- топшириқни мустақил таҳлил қилиши;
- ҳодисаларни умумлаштириб, тегишли амалий хулоса чиқариши;
- ўз билим доирасини кенгайтириб, назариядан амалиётга ўта олиши ва уларни ўзаро боғлай олиши;
- топшириқни бажариш якунида сардорлар ўзаро баҳс-мунозара юритиши лозим.

18. «Ўргимчак ини» методи

***«Ўргимчак ини» методини қўллаш
учун бериладиган топшириқ***

«Ўргимчак ини» методини қўллашда амал қилиш қоидалари

- Машғулотда ушбу методдан фойланишда иштирокчилар учун бош кийим (кепка) ва 1 та калава ип керак бўлади.
- Ҳар бир савол юзасидан ўқувчилардан кетма-кетликда жавоб олинади.
- Фикрлар билдиришда узоқ вақт тўхтаб қолган ёки умуман фикрлари тугаган ўқувчи бош кийимини ечиб, ўйиндан чиқарилганлигига ишора қилинади ва кейин бу ўқувчига ип копток сифатида отилмайди.
- Охирда қолган ўқувчи ғолиб ҳисобланади.
- Уйин якунида ўқитувчи ҳар бир калава ипнинг ўқувчи қўлида қолган сонига қараб баҳолайди.

19. «Портфолио» методи


«Портфолио» методини самарали амалга ошириш босқичлари

1. Ҳар бир иштирокчи эркин ишлаши учун қулай шароит яратилиши керак. Ўқитувчи талабаларга бир дарс олдин ушбу дарс учун ўтиладиган мавзу ва зарур бўладиган материалларни эълон қилади. Аудиторияда талабалар сонидан келиб чиққан ҳолда уларни кичик гуруҳларга ажратиб олади ва ҳар бир гуруҳ учун мавзу мазмунини асосида алоҳида топшириқлар беради. Ҳар бир гуруҳ тегишли топшириқлар асосида барча керакли материалларни портфелга жамлайдилар. Талабалар мустақил изланиб, материалларни тўплаган ҳолда дарсга келишлари лозим.
2. Дарснинг янги мавзу баёни қисмида ҳар бир гуруҳ тўплаган материаллари асосида топшириқда берилган вазифага жавобларини шарҳлайдилар. Бериладиган мавзу, муаммо ёки вазиятлар аниқланади.

Ушбу методни қўллашда зарур бўладиган материаллар:

A1 форматли қоғоз, қайчи, елим, газета, журнал, фотоальбом, китоб, фикр ва ғояларни ёзиш учун керакли доска, юмшоқ доска, флешчатка, рангли маркерлар, постерлар, кодоскоп, турли форматдаги қоғозлар олдиндан тайёрланиши лозим.

33-расм



6. ЎҚУВЧИЛАР ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ

Ў

қувчилар фаолиятини баҳолаш ва уларнинг мавзунини ўзлаштиришларини аниқлаш жараёнида қуйидаги баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларидан фойдаланиш мумкин.

38-жадвал

ГУРУҲЛАРНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ ВА КЎРСАТКИЧЛАРИ

Топшириқни баҳолаш мезонлари	Кўрсаткичлар балларда	1-гуруҳ	2-гуруҳ	3-гуруҳ
1-топшириқ	1,5			
- фикрларнинг мавзуга мослиги ва	0,8			
- мантикий ва аниқ баён қилиниши	0,7			
2-топшириқ	1,5			
- аниқ ҳулоса чиқариш	1			
- регламентга амал қилиш	0,2			
- бошқаларга қўшимча қилиш	0,3			
Жами:	3			

39-жадвал

Баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари

Гуруҳлар	Саволнинг тўлиқ ва аниқ ёритилиши 0,5 балл	Мисоллар билан муаммога ечим топиши 0,5 балл	Гуруҳ аъзоларининг фаоллигини 0,5 балл	Жами балл
1-гуруҳ				
2-гуруҳ				
3-гуруҳ				
4-гуруҳ				

1,3-1,5 балл - «аъло».

1,0-1,2 балл - «яхши».

0,6-0,9 балл - «кониқарли».

Иштирокчиларни баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари

Баҳолаш мезонлари	Балл	Иштирокчилар			
		Маърузачилар			
		1	2	3	4
1. Маъруза мазмуни:	2				
- мавзуга мослиги	1				
- мавзуни кетма-кетлиги, баён қилиниши мантикийлиги ва аниқлиги	0,5				
- аниқ ҳулосаланганлиги	0,5				
2. Таълим воситаларидан фойдаланганлиги (кўргазмали, ахборотли)	0,8				
3. Регламентга амал қилиш	0,2				
Жами:	Мах 3				
Баҳолаш мезонлари	Балл	Такризчилар			
		1	2	3	4
1. Маърузага берилган тавсиф:	2,4				
- маърузанинг ижобий аҳамиятга эга жойлари	1,2				
- маърузанинг салбий аҳамиятга эга жойлари	1,2				
2. Регламентга амал қилиш	0,6				
Жами:	Мах 3				
Баҳолаш мезонлари	Балл	Оппонент/муноза ра иштирокчиси			
		1	2	3	4
1. Саволлар (ҳар бирига):	0,3				
- сони					
2. Тўлдирганлик (ҳар бирига):	0,5				
- сони	0,2				
- маълумотларнинг мавжудлиги	0,3				
Жами:	Мах 3				

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А «Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура» - Т.: 1993.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. - Т.: 1996.
3. Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим концепцияси. - Т.: 1994.
4. Абдуллаева К. Тикувчилик буюмларини лойиҳалаш ва модел-лаштириш асослари. –Т.: 2006.
5. Беспалько В.П., Татур Ю.Г. Системно-методическое обеспечение учебно-воспитательного процесса подготовки специалистов. – М., 1989.
6. Вазина К.Я. Саморазвитие человека и модульное обучение. – Н. Новгород, 1991.
7. Герчек Г.А. Модульный подход в проектировании учебных программ / Институт повышения квалификации и переподготовки работников Образования.
8. Сибилла Райхерт, Кристиан Таух. Тенденции IV: Европейские университеты на пути осуществления болонских реформ.
9. Каберри Г.Р. Персональные компьютеры в автоматизированном проектировании. –М.: Машино-строение, 1999.
10. Карпов В.В., Катханов М.Н. Инвариантная модель интенсивной технологии обучения при многоступенчатой подготовке в вузе. – М., 1992.
11. Кларин М.В. Инновационные модели обучения в зарубежных педагогических поисках. – М.: «Арена», 1994.
12. Комилова Х.Х., Ҳамраева Н.К. Кийим лойиҳалаш асослари. –Т.: Илм-зиё, 2005.
13. Комилова Х.Х., Ҳамроева Н.К. Тикув буюмларини конструкциялаш. -Т: Молия, 2003.

14. Мартынова А.И., Андреева Е.Г. Конструктивное моделирование одежды. –М.: 2002.
15. Миронова М.Д. Модульное обучения как способ реализации индивидуального подхода: Дис. ... канд.пед.наук. – Казань, 1993.
16. Педагогические технологии: Учебное пособие для студентов педагогических специальностей. – Ростов на Дону: издательский центр «Март», 2002.
17. Янчевская Е.А. Аёллар уст кийимини контрукциялаш. –Т.: 1997.

Интернет сайтлари:

1. www.ppf.uni.udm.ru
2. www.talant.spb.ru/wald.html
3. www.school.edu.ru.
4. [www.inter – pedagogika.ru](http://www.inter-pedagogika.ru).
5. www.assol.ru
6. www.CADRUS.ru
7. www.eleandr.ru
8. www.istedod.uz
9. www.natlib.uz
10. www.inetlibraru.com

МУНДАРИЖА

1. Битирув малакавий ишни бажаришнинг мақсад ва вазифалари.....	3
2. Битирув малакавий ишлар мавзуларини танлаш ва тасдиқлаш тартиби.....	4
3. Битирув малакавий ишнинг таркиби.....	5
4. Битирув малакавий ишнинг расмийлаштирилиши.....	8
5. Битирув малакавий ишни баҳолаш мезонлари.....	10
6. Битирув малакавий ишнинг мазмуни.....	11
7. Махсус фанлар бўйича тайёрланадиган материалларга қўйиладиган талаблар.....	23
8. Техника хавфсизлиги ва санитария-гигиена қоидалари.....	29
9. Битирув малакавий иш мазмунида ўқув машғулотларини лойиҳалаш учун зарур бўладиган материаллар.....	36
10. Ўқув жараёнига интерфаол методлар татбиғи.....	40
11. Ўқувчилар фаолиятини баҳолаш	58
12. Фойдаланилган адабиётлар.....	60

5140900 – КАСБ ТАЪЛИМИ ЙЎНАЛИШЛАРИ БАКАЛАВРЛАРИ УЧУН
МЎЛЖАЛЛАНГАН

Битирув малакавий ишларини тайёрлаш бўйича методик кўрсатма

Теришга берилди 12.03.10. Босишга рухсат этилди 24.03.10.
Бичишга 60x84/16. Таймс гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоги 4.
Адади 500 нусха. Буюртма № 69

© Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти нашриёт-босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Шоҳжаҳон кўчаси 5-уй
Телефон: 253-06-06
• Факс: 253-17-36